

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**43-сон**  
**(803)**  
**2017 йил**  
**30 октябрь**

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Учинчи бўлим*

1092. «Тадбиркорлик субъектларига фақат «ягона дарча» тамойили бўйича ягона марказлар орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхатига қўшимча киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 октябрдаги 864-сон қарори
1093. «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган нейрохирургия ёрдами кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 24 октябрдаги 867-сон қарори
1094. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Судлар ва адлия органлари фаолиятини моддий-техник ва молиявий таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2017 йил 23 августдаги ПҚ–3240-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 25 октябрдаги 873-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

1095. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2017 йил 5 сентябрдаги 11-2017-сон «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини масофадан ўқитиш таълим усуллари орқали қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 23 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2936*)
1096. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2017 йил 5 сентябрдаги 12-2017-сон «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тингловчиларининг битирув (лойиҳа) ишини тайёрлаш ва химояга тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 23 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2937*)
1097. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2017 йил 5 сентябрдаги 13-2017-сон «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида педагогик (малакавий) амалиётни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 23 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2938*)
1098. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 23 сентябрдаги 26/2-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида каса амалларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 23 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1602-2*)
1099. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 23 сентябрдаги 26/7-сон «Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 23 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2693-2*)
1100. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг 2017 йил 9 октябрдаги 11-мх-сон «Спорт федерациялари (уюшмалари) реестрини юритиш ва ундан маълумотлар тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 23 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2939*)

1101. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2017 йил 9 октябрдаги 01-02/12-39-сон «Божхона иши соҳасида қўлланиладиган айрим ҳужжатлар ва ҳисоботлар шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорнинг 13-иловасини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 24 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2778-2*)
1102. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 19 сентябрдаги 135-сон «Солиқ маслаҳати миллий стандарти (5-сонли СММС) «Солиқ маслаҳатчилари ишининг сифатини ички назорат қилишни ташкил этишга қўйиладиган талаблар»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 24 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2940*)
1105. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2017 йил 23 сентябрдаги 207-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг касбий тайёргарлик факультетига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 27 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2941*)
1106. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг 2017 йил 2 октябрдаги 10-мх-сон «Спорт ҳакамлари ва уларнинг малака тоифаларини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 27 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2942*)
1107. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг 2017 йил 2 октябрдаги 9-мх-сон «Спорт ҳакамлари ва спорт ҳакамларининг малака тоифаларини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 27 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2761-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2017 йил 21 октябрдан 27 октябргача бўлган маълумот

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **1092** Тадбиркорлик субъектларига фақат «ягона дарча» тамойили бўйича ягона марказлар орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхатига қўшимча киритиш тўғрисида\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 18 июлдаги ПФ–5116-сон Фармонининг ижросини таъминлаш, тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматларини кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 28 сентябрдаги ПҚ–2412-сон қарорига биноан Тадбиркорлик субъектларига фақат «ягона дарча» тамойили бўйича ягона марказлар орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхатига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ қўшимча киритилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 28 сентябрдаги ПҚ–2412-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларига фақат «ягона дарча» тамойили бўйича ягона марказлар орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхатига иловага мувофиқ қўшимча киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси бир ой муддатда:

тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари орқали электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш ва электрон рақамли имзолар сертификатларини бериш тартибини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар;

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 23 октябрда эълон қилинган.

Ўз ходимларини ва тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари ходимларини электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш ва электрон рақамли имзолар сертификатларини бериш тартиботларига тизимли равишда ўқитишни таъминласинлар;

тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари орқали олиш электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш ва электрон рақамли имзолар сертификатларини бериш учун зарур бўлган ҳужжатларнинг намунавий шакллари ва бланкаларини қонун ҳужжатларида назарда тутилган барча хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар;

мазкур қарорга мувофиқ кўрсатиладиган давлат хизматларининг паспортини унда кўрсатилган маълумотларнинг долзарблигини доимий равишда таъминлаган ҳолда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

4. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ва Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Р. Парпиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 23 октябрь,  
864-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 23 октябрдаги 864-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 28 сентябрдаги ПҚ–2412-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларига фақат «ягона дарча» тамойили бўйича ягона марказлар орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхатига киритилаётган қўшимча**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 28 сентябрдаги ПҚ–2412-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъект-

ларига фақат «ягона дарча» тамойили бўйича ягона марказлар орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхатига қуйидаги мазмундаги 17-позиция қўшилсин:

« 17.	Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда тижорат банклари томонидан кўрсатиладиган барча турдаги хизматлардан эркин фойдаланишни таъминлайдиган электрон рақамли имзо сертификатини бериш	Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда тижорат банклари томонидан кўрсатиладиган барча турдаги хизматлардан эркин фойдаланишни таъминлайдиган электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш ва электрон рақамли имзолар сертификатини бериш	Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Янги технологиялар илмий-ахборот маркази	».
-------	---	--	---	----

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **1093** 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган нейрохирургия ёрдами кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017 — 2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон қарорини ижро этиш юзасидан, шунингдек, республика аҳолисига ихтисослаштирилган нейрохирургия ёрдами кўрсатишни янада ривожлантириш ва яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар нейрохирургия хизматини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

нейрохирургия хизматининг норматив-ҳуқуқий базасини ва унинг тузилмасини янада такомиллаштириш, жаҳон стандартлари талабларини ҳисобга олган ҳолда нейрохирургик касалликлар профилактикаси, диагностикаси ва уларни даволашнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

замонавий юқори технологик даволаш-диагностика ускуналари билан жиҳозланган замонавий даволаш-диагностика бўлимлари ва операция блокларини қуриш йўли билан илғор жаҳон ютуқлари даражасида нейрохирургик касалликлар диагностикаси, уларни даволаш ва профилактикасининг энг

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 24 октябрда эълон қилинган.

самарали ва юқори технологик усулларидан республика аҳолисининг фойдаланишини ва эҳтиёжини таъминлаш;

республиканинг барча минтақаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаган ҳолда кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, нейрохирург врачларнинг ўз мактабини шакллантириш ва ривожлантириш;

нейрохирургик касалликлар профилактикаси, диагностикаси ва уларни даволаш соҳасида мамлакатда илмий тадқиқотлар доирасини кенгайтириш, уларни амалий соғлиқни сақлашга жорий этиш;

етакчи ихтисосли хорижий тиббиёт ташкилотлари билан халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, ахборотни, тўпланган тажриба ва мутахассисларни кенг алмашишни таъминлаш.

2. Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) республика аҳолисига нейрохирургия ёрдами кўрсатиш бўйича бош тиббиёт ташкилоти ҳисобланиши маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

аҳолига юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш;

мавжуд тиббиёт техникаси паркини доимий равишда янгилаш ва модернизациялашни таъминлаш, Марказни замонавий халқаро талаблар даражасида юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш имконини берувчи замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш;

Марказ фаолиятини таъминлаш учун молиявий ва моддий-техник ресурсларни жалб этиш бўйича менежмент ва маркетинг ишларини ташкил этиш;

Марказ тиббиёт ходимларининг касбий даражасини, шу жумладан нейрохирургик касалликлар диагностикаси ва уларни даволашнинг замонавий усуллари бўйича мутахассисларнинг етакчи хорижий тиббий таълим муассасалари ва клиникаларида тажриба орттиришни ташкил этиш ҳисобига доимий равишда ошириш ва такомиллаштириш;

нейрохирургик касалликлар профилактикаси, диагностикаси ва уларни даволаш бўйича ўз илғор усулларимиз ва технологияларимизни ишлаб чиқиш ва тиббиёт амалиётига жорий этишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар олиб бориш;

нейрохирургик касалликларни даволаш ва улар диагностикасини доимий равишда такомиллаштириш ва ўзимизнинг патентланган усулларимиз ва технологияларимиз халқаро эътироф этилишига эришиш;

худудий ихтисосли тиббиёт ташкилотларига ташкилий-методик раҳбарлик қилиш, тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий усуллари ва технологияларини улар амалиётига жорий этиш, минтақаларда зарур профилактик ишлар амалга оширилишига кўмаклашиш, сайёр консультациялар, маҳорат дарсларини мунтазамлилик асосида амалга ошириш.

4. 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган нейрохирургия ёрдами кўрсатишни янада ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар (кейинги ўринларда Комплекс чора-тадбирлар деб аталади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилаб қўйилсинки, Комплекс чора-тадбирлар тадбирларини амал-

га ошириш билан боғлиқ сарф-харажатлар «Соғлиқни сақлаш» тармоғи бўйича назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари доирасида амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

нейрохирургия соҳасида тиббиёт ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштиришнинг ягона методик вертикали шакллантирилишини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси нейрохирургия хизматининг ташкилий тузилмасини бир ой муддатда тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда Комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш учун хорижий давлатлар, халқаро молия ташкилотларининг имтиёзли кредитларини (қарзларини) ва грантларини ҳамда бошқа бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.К. Шадманов зиммасига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Соғлиқни сақлаш, экология, атроф мухитни муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 24 октябрь,  
867-сон



**2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган нейрохирургия ёрдами кўрсатишни янада ривожлантириш бўйича КОМПЛЕКС ЧОРА-ТАДБИРЛАР**

Т/р	Тадбирлар	Бажариш мuddатлари	Сумма	Молиялаштириш манбаи	Масъул бажарувчилар	Амалга ошириш механизми
<b>I. Республика нейрохирургия хизматининг норматив -ҳуқуқий базасини такомиллаштириш</b>						
1.	Ўзбекистон Республикаси аҳолисига нейрохирургия ёрдами кўрсатиш тизимида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, нейрохирургия ёрдами кўрсатишнинг турли даражаларида барча таркибий бўлинмаларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш.	2018 йил I чорак			Соғлиқни сақлаш вазирлиги	Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни хатловдан ўтказиш. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг нейрохирургия ёрдами кўрсатишнинг барча босқичларида аҳолига бундай ёрдам кўрсатувчи давлат тиббиёт ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи буйруғи.
2.	Нейрохирургия соҳасида даволаш-диагностика хизматлари кўрсатишнинг замонавий илмий асосланган усуллари ва технологияларини ҳисобга олган ҳолда нейрохирургик касалликларга чалинган беморлар диагностикаси ва уларни даволашнинг стандартларини тасдиқлаш.	2018 йил II чорак			Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази	Соғлиқни сақлаш вазирлигининг нейрохирургик касалликлар диагностикаси ва уларни даволаш стандартларини тасдиқлаш тўғрисидаги буйруғи, шунингдек, нейрохирургик касалликларни барвақт аниқлаш бўйича бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари учун клиник протоколлар. Аҳолига нейрохирургия ёрдами кўрсатишни такомиллаштириш, беморлар ҳаёти сифатини яхшилаш.
3.	Нейрохирургик касалликлар диагностикаси ва уларни даволашнинг янги замонавий юқори технологик усуллари жорий этишни ҳисобга олган ҳолда нейрохирургия хизмати тиббиёт ташкилотлари учун янги штат нормативларини тасдиқлаш.	2018 йил II чорак			Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги	Нейрохирургик касалликларга чалинган беморлар диагностикаси ва шу жумладан, юқори технологик ускуналардан фойдаланган ҳолда уларни даволашнинг замонавий усуллари жорий этишни ҳисобга олган ҳолда янги штат нормативларини тасдиқлаш.
4.	Нейрохирургик касалликларга чалинган ва уларнинг асоратини бошдан кечи-	2018-2019 йиллар		Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги,	Даволаш ва динамик кузатишга эҳтиёж сезувчи аниқланган нейрохи-

Т/р	Тадбирлар	Бажариш муддатлари	Сумма	Молиялаштириш манбаи	Масъул бажарувчилар	Амалга ошириш механизми
	раётган беморларнинг ягона электрон базасини яратиш.				Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	рургик патологияли беморларнинг ягона электрон базасини ишлаб чиқиш.
<b>II. Нейрохирургия хизмати давлат тиббиёт ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш</b>						
5.	Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази биносининг қурилиши битказилмаган блокни реконструкция қилиш, кейинчалик унда поликлиника-диагностика бўлимини жойлаштириш.	2017-2018 йиллар  2017 йил  2018 йил	5,2 млрд сўм шу жумладан:  3,0 млрд сўм  2,2 млрд сўм	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади)	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси, Тошкент шаҳри ҳокимлиги	Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш. Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг моддий-техника базасини босқичма-босқич мустаҳкамлаш ва янгилаш. Нейрохирургик касалликларга чалинган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш шарт-шароитларини яхшилаш ва сифатини ошириш.
6.	Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг буг қозонини қуриш, унда янги иситиш ускунасини ўрнатиш.	2018 йил	2,0 млрд сўм	Жамғарма маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси	Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш. Иситиш ускунасини харид қилиш ва ўрнатиш. Нейрохирургик касалликларга чалинган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш шартларини яхшилаш ва сифатини ошириш.
7.	Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказини, тиббиёт олий таълим муассасалари клиникаларини ва кўп тармоқли тиббиёт марказларининг нейрохирургия бўлимларини, шу жумладан, болалар бўлимларини замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш.	2019 — 2022 йиллар  2019 йил  2020 йил  2021 йил	28,0 млн АҚШ доллари шу жумладан: 3,0 млн АҚШ доллари 5,0 млн АҚШ доллари 10,0 млн АҚШ доллари	Халқаро ташкилотлар ва молия институтлари маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари	Замонавий юқори технологик даволаш-диагностика ускуналаридан фойдаланган ҳолда нейрохирургик касалликларга чалинган беморлар диагностикаси ва уларни даволашнинг замонавий усулларини жорий этиш. Аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш сифати ва ҳажмларини ошириш.

Т/р	Тадбирлар	Бажариш муддатлари	Сумма	Молиялаштириш манбаи	Масъул бажарувчилар	Амалга ошириш механизми
		2022 йил	10,0 млн АҚШ доллари			
8.	Аҳолига нейрохирургия ёрдами кўрсатувчи давлат тиббиёт ташкилотларини нейрохирургик касалликларга чалинган беморларни операция қилиш ва даволашда фойдаланиладиган тиббий буюмлар билан таъминлаш.	2017 — 2021 йиллар	15 млн АҚШ доллари	Жамғарма маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги	Соғлиқни сақлаш вазирлигининг аҳолига нейрохирургия ёрдами кўрсатувчи давлат тиббиёт ташкилотлари орасида тиббий буюмларни тақсимлаш бўйича буйруғи. Тиббий буюмларга бўлган эҳтиёжни 11 фоиздан 90 фоизгача кўпайтириш. Даволашнинг барча босқичларида нейрохирургик касалликларга чалинган беморларни даволаш самарадорлиги ва сифатини ошириш. Беморларнинг ҳаёти сифатини яхшилаш ва узоқ умр кўришига эришиш.
<b>III. Кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, етакчи халқаро тиббиёт марказлари билан кенг ҳамкорлик қилиш</b>						
9.	Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида нейрохирургия ва нейрохирурглар учун малака ошириш курслари бўйича клиник ординатура ташкил этиш йўли билан нейрохирургия хизматининг кадрлар салоҳиятини (ҳар йили 114 нафар врач) янада мустаҳкамлаш, шунингдек, хирург ихтисослигидаги врачларни нейрохирург врачлар этиб қайта тайёрлаш.	2017 — 2021 йиллар	526,7 млн сўм	Ҳар йили ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази	Нейрохирургларнинг малакасини ошириш ва хирург ихтисослиги врачларини нейрохирург врачлар этиб қайта тайёрлаш бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқиш. Нейрохирургия мутахассислиги бўйича клиник ординатуранинг ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.
10.	Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказлари, вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказлари, вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари ва республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ҳамда улар филиаллари врачларининг хорижий мамлакатларнинг етакчи клиникаларида «нейрохирургия» ва «интервенцион нейрорадиология» мутахассисликлари бўйича қисқа муддатли ва узоқ муддатли малака ошириш курсларидан ўтиши.	2017 — 2021 йиллар	80,0 минг АҚШ доллари	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази	Етакчи хорижий клиникалар ва марказлар билан тузилган шартномалар ва битимлар бўйича мутахассисларни уларга юбориш. Нейрохирургия хизматини ташкил этиш, нейрохирургик касалликларга чалинган беморлар диагностикаси ва уларни даволашнинг янги усулларини жорий этиш масалаларида халқаро тажрибани ўрганиш.

Т/р	Тадбирлар	Бажариш муддатлари	Сумма	Молиялаштириш манбаи	Масъул бажарувчилар	Амалга ошириш механизми
11.	Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази (ҳар йили 40 нафар тиббиёт ҳамшираси, нейрохирургия бўлимларининг 5 нафар лаборанти) ва республика ўрта тиббиёт ходимлари малакасини ошириш маркази негизда ҳар йили нейрохирургия бўлимлари тиббиёт ҳамширалари ва лаборантларининг малакасини ошириш.	2017 — 2021 йиллар	160,9 млн сўм	Ҳар йили ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика ўрта тиббиёт ходимлари малакасини ошириш маркази	Таълимнинг модуль тамойилига асосланган ўқув дастурларини ишлаб чиқиш. Нейрохирургия бўлимлари учун юқори малакали тиббиёт ҳамширалари ва лаборантлар тайёрлаш.
12.	Аҳолига амалий тиббий ёрдам кўрсатган ҳолда Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази мутахассисларининг республика минтақаларида нейрохирургик касалликларга чалинган беморлар диагностикаси ва уларни даволашнинг янги усуллари жорий этиш бўйича нейрохирург врачлар учун маҳорат дарсларини ташкил этиш.	2017 — 2021 йиллар		Бажарувчилар маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари	Маҳорат дарслари дастурларини ишлаб чиқиш ва янгиларини тасдиқлаш. Минтақавий даражада нейрохирургик касалликлар профилактикаси, диагностикаси ва уларни даволашнинг замонавий усуллари бўйича нейрохирург врачларнинг билимларини ва малакасини ҳамда амалий кўникмаларини ошириш.
13.	Етакчи хорижий тиббиёт марказлари ва клиникалари билан шерикликни мустақамлаш йўли билан илмий ишланмаларнинг замонавий жаҳон тажрибасини маҳаллий нейрохирургия амалиётига жорий этиш. Хорижий мамлакатларнинг етакчи нейрохирургия клиникалари мутахассислари иштирокида нейрохирургия бўйича илмий конференциялар, тренинглар ва маҳорат дарсларини ташкил этиш ва ўтказиш.	2017 — 2021 йиллар		Бажарувчилар маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази, Ўзбекистон нейрохирург врачлар ассоциацияси	Етакчи хорижий институтлар ва клиникалар билан шартномалар тузиш. Жаҳон тажрибасидан фойдаланган ҳолда нейрохирургик касалликлар диагностикаси ва уларни даволашнинг замонавий усуллари жорий этиш.
<b>IV. Нейрохирургик касалликларга чалинган беморлар профилактикаси, диагностикаси ва уларни даволаш сифатини ошириш</b>						
14.	Режали нейрохирургия ёрдами кўрсатишнинг 3-даражали тизимини ташкил	2017 — 2021 йиллар			Соғлиқни сақлаш вазирлиги	Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғи.

Т/р	Тадбирлар	Бажариш муддатлари	Сумма	Молиялаштириш манбаи	Масъул бажарувчилар	Амалга ошириш механизми
	этиш, операция қилишнинг мураккаблигига қараб миқозларни ушбу даражалар ўртасида қайта тақсимлаш.					Тиббиёт ташкилотларининг моддий-техника базасидан оқилона фойдаланиш ва малакали нейрохирургия ёрдами олишнинг барча босқичларида аҳолининг улардан фойдаланишини яхшилаш имконини берувчи даражали тизимни жорий этиш.
15.	Республиканинг давлат тиббиёт ташкилотларида нейрохирургик касалликларни барвақт аниқлаш скринингини жорий этиш.	2019 — 2021 йиллар			Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари	Скрининг тизимини оптималлаштириш ва нейрохирургик касалликларни барвақт аниқлаш мақсадида соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини врачлари учун мавзули семинарлар ўтказиш. Юқори малакали тиббий ёрдам берган ҳолда касаллик ривожланишининг илк босқичларида республика аҳолиси орасида нейрохирургик касалликларга чалиниш хавфи бўлган гуруҳни аниқлаш.
16.	Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Сирдарё, Сурхондарё, Фарғона, Хоразм, Тошкент, Навоий ва Наманган вилоятларининг вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларида нейрохирургия бўлимларини (15 ўринли) ташкил этиш.	2018 — 2021 йиллар		Ҳар йили ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Жиззах, Сирдарё, Сурхондарё, Фарғона, Хоразм, Тошкент, Навоий ва Наманган вилоятлари ҳокимликлари	Болаларнинг малакали нейрохирургия ёрдамидан фойдаланишини яхшилаш.
17.	Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказида асаб тизимининг юрак-қон томир патологияси бўлимини ташкил этиш йўли билан insultлар профилактикаси, барвақт ташхис қўйиш ва даволашни такомиллаштириш.	2018 йил		Бажарувчининг маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази	Бош мия томир патологияси билан оғриган миқозлар диагностикасини оптималлаштириш, даволашни яхшилаш. Аҳолига нейрохирургия ёрдами кўрсатишни такомиллаштириш, миқозлар ҳаёти сифатини яхшилаш.
18.	Амбулаторияда даволанадиган нейрохирургик касалликларга чалинган бемор-	2018-2019 йиллар		Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги,	Беморларнинг врач қабулига ёзилишининг ягона электрон тизимини

Т/р	Тадбирлар	Бажариш муддатлари	Сумма	Молиялаштириш манбаи	Масъул бажарувчилар	Амалга ошириш механизми
	ларнинг врач қабулига ёзилишининг электрон тизимини яратиш.				Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	яратиш йўли билан нейрохирургик касалликларга чалинган беморларга маслаҳат беришни оптималлаштириш.
19.	Қорақалпоғистон, Бухоро, Самарқанд, Фарғона ва Хоразм вилоятларининг кўп тармоқли тиббиёт марказларида бош миянинг томир касалликларига чалинган беморларни даволашнинг эндоваскуляр усуллари жорий этиш.	2019 — 2021 йиллар			Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази	Бош мия томир патологияси билан оғриган мижозлар диагностикасини, даволашни оптималлаштиришни яхшилаш.
20.	Шаҳрисабз туман тиббиёт бирлашмасида туманлараро нейрохирургия бўлимини ташкил этиш.	2018 йил		Ҳар йили ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги	Республиканинг чекка туманларида малакали нейрохирургия ёрдамидан фойдаланишни ошириш.

**Комплекс чора-тадбирлар дастурларини амалга оширишга жами сарф-харажатлар:**

7,88 млрд сўм ва 43,08 млн АҚШ доллари

улардан:	млрд сўм	млн АҚШ доллари
Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари	— 0,69	— 0,08
давлат мақсадли жамғармалари маблағлари	— 7,19	— 15,00
халқаро ташкилотлар, молиявий институтлар маблағлари ва грантлари	—	— 28,00

Изоҳ: молиялаштиришнинг узил-кесил ҳажмлари лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилгандан кейин аниқланади.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI VAZIRLAR MAҲҚAMASINING  
ҚАРОРИ**1094 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Судлар ва адлия органлари фаолиятини моддий-техник ва молиявий таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2017 йил 23 августдаги ПҚ–3240-сон қарори)\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Судлар ва адлия органлари фаолиятини моддий-техник ва молиявий таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2017 йил 23 августдаги ПҚ–3240-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров, Ўзбекистон Республикаси молия вазири Б.А. Ходжаев ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.К. Давлетов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 25 октябрь,  
873-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 25 октябрдаги 873-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Автомототранспорт воситаларини харид қилиш-сотиш, алмаштириш ва ҳадя этиш битимларини расмийлаштириш тартиби тўғрисида» 1991 йил 16 сентябрдаги 233-сон қарорининг 3-банди учинчи хатбоши (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1991 й., 9-сон, 30-модда) қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 26 октябрда эълон қилинган.

«82 фоизи — туманлар ва шаҳарлар бюджетларига, 8 фоизи — бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармасини шакллантиришга, 10 фоизи — маблағларни адлия органларининг шахсий газна ҳисобварақларида жамлаш йўли билан давлат нотариал идораларини ва нотариал архивларни маблағ билан таъминлашга йўналтирилади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси судьяларини, адлия органлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида» 1993 йил 9 июлдаги 343-сон қарорининг 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш ва адвокатлик тузилмаларини ташкил этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2009 йил 9 мартдаги 60-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 3-сон, 18-модда):

а) 2-банднинг олтинчи хатбошида «Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасига» сўзлари «қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармасига» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-илованинг 25-банди иккинчи хатбошида «Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасига» сўзлари «қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармасига» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағлар ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 4-сон, 14-модда) 1-иловада:

а) 12-позиция қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«	12.	Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармаси (Олий суд, Судьялар олий кенгаши, Олий суд ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти, Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот маркази)	Жиной, фуқаролик, маъмурий, иқтисодий ва ҳарбий судлар томонидан кўриб чиқиладиган ишлар бўйича давлат божлари ва жарималар суммаси.	16
			Ижро этиш бўйича бюджетга ундирилган суммалар, қарздорнинг мол-мулкани сотиш ҳисобига солиқ қарздорлигини ундириш бундан мустасно.	24

»;

б) қуйидаги мазмундаги 12<sup>1</sup>-позиция қўшилсин:

«	12 <sup>1</sup> .	Бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси (Адлия вазирлиги)	ФХДЁ бўлимлари томонидан ундириладиган давлат божлари суммаси.	16
			Нотариуслар томонидан ундириладиган давлат божлари суммаси.	8
			Адлия органлари томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларини, адвокатлик бюроларини, фирмаларини, ҳайъатларини, нодавлат нотижорат ташкилотларининг рамзларини давлат рўйхатидан ўтказганлик, нодавлат нотижорат ташкилотларининг хорижий фуқаролари бўлган ходимларини, шунингдек, уларнинг оила аъзоларини аккредитациядан ўтказганлик, нодавлат нотижорат ташкилоти рамзлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг	80



	таъсис ҳужжатлари давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг дубликатини берганлик учун, адвокатлик фаолиятини лицензиялаганлик учун ундирилаётган маблағлар, шунингдек, адлия органлари томонидан ундирилаётган жарималар суммаси.	».
--	---	----

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида нотариат институтини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида» 2010 йил 5 майдаги ПФ–4216-сон Фармони аналга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2010 йил 2 июндаги 104-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 6-сон, 25-модда):

а) 2-бандда:

иккинчи хатбошида «78» рақами «82» рақами билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«8 фоизи — бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармасини шакллантиришга»;

б) 6-банднинг олтинчи хатбошида «Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари «бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 декабрдаги 318-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 12-сон, 73-модда) билан тасдиқланган Нотариус томонидан ўз касб мажбуриятлари бузилиши оқибатида етказилган зарарни қоплаш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 2-бандда «Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари «бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-бандда ва 5-банднинг биринчи хатбошида «Жамғарманинг Ижро этувчи дирекциясига» ва «Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси» сўзлари тегишли равишда «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига» ва «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) Низомга иловада:

«Тадбирлар» устунининг «2-босқич» позицияси 1-бандида «Жамғарманинг Ижро этувчи дирекцияси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Субъектлар» устунининг «3-босқич» позициясида «Жамғарманинг Ижро этувчи дирекцияси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Тадбирлар» устунининг «4-босқич» позициясида «Жамғармадан» сўзи «бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармасидан» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 29 мартдаги 93-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 3-сон, 22-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасалари ходимларининг мартаба даражалари тўғрисидаги низомнинг 15-банди иккинчи хатбошида «Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари «бюд-

жетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2011 йил 30 декабрдаги 346-сон қарори 3-бандида «Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари «бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Судьяларга, прокуратура органлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ходимларига имтиёзли шартларда уй-жой сотиб олишга узоқ муддатли ипотека кредитлари бериш тартиби тўғрисидаги низомни ҳамда Судьяларга, прокуратура органлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ходимларига уй-жойларни ижарага олганлик (ижарага турганлик) учун ҳар ойлик пул компенсацияси тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2012 йил 31 октябрдаги 312-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 10-сон, 78-модда):

а) қарорнинг номига «ҳамда Судьяларга,» сўзларидан кейин «суд органлари ходимларига,» сўзлари қўшилсин;

б) 1-банднинг учинчи хатбошига «Судьяларга,» сўзидан кейин «суд органлари ходимларига,» сўзлари қўшилсин;

в) 1-илованинг 11-бандида «Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари «Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 2-иловада:

илованинг номига «Судьяларга,» сўзидан кейин «суд органлари ходимларига,» сўзлари қўшилсин;

1-бандда:

биринчи хатбошида «судьяларга» сўзидан кейин «суд органлари ходимларига,» сўзлари қўшилсин;

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ушбу Низомнинг амал қилиши судьяларга, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьяларига (кейинги ўринларда судьялар деб аталади), судлар, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот маркази (кейинги ўринларда суд органлари деб аталади) ходимларига ва прокуратура органлари ходимларига татбиқ этилади»;

2-бандда:

биринчи хатбошига «судьяларга,» сўзидан кейин «суд органлари ходимларига ва» сўзлари қўшилсин;

бешинчи хатбошига «тақдирда (судьянинг) сўзларидан кейин «суд органлари ходимининг ва» сўзлари қўшилсин;

3-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Судьяга, суд органлари ходими ва прокуратура органлари ходими пул компенсацияси тўлаш судья, суд органлари ходими ва прокуратура органлари ходими тайинланган жойга келгандан (сайлангандан) кейин уй-жой ижарага олинган (ижарада турган) кундан бошлаб нотариус томонидан тасдиқланган уй-жойни ижарага олиш (ижарада туриш) шартномаси асосида амалга оширилади. Судьяга, суд органлари ходими ва прокуратура органлари ходими тайинланган (сайланган) жойида хизмат уй-жой майдони берилган тақдирда ёки у уй-жой сотиб олганда, унинг ваколатлари тўхтатилганда ва тугаганда пул компенсацияси тўлаш тўхтатилади»;

4-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4. Судьяга ва суд органлари ходими тайинланган (сайланган) жойида хизмат уй-жой майдони берилган тақдирда ёки улар уй-жой сотиб олганда улар бир ҳафта муддатда тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Судьялар олий кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот маркази ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича тегишли ҳудудий бўлими (кейинги ўринларда тегишли органлар деб аталади) бухгалтериясига пул компенсацияси тўлашни тўхтатиш тўғрисида ариза бериши шарт»;

5-бандга «судьяларга,» сўзидан кейин «суд органлари ходимларига ва» сўзлари қўшилсин;

6-бандда:

биринчи хатбошига «Судья,» сўзидан кейин «суд органлари ходими ва» сўзлари қўшилсин;

учинчи хатбошига «қарорнинг нусхаси,» сўзидан кейин «суд органлари ходимини ва» сўзлари қўшилсин;

7-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Суд органлари ходими ва прокуратура органлари ходими бола икки ёшга тўлгунгача уни парвариш қилиш учун таътил берилган тақдирда, пул компенсацияси таътилнинг бутун даврига, бироқ суд органлари ходими ва прокуратура органлари ходими ушбу уй-жойда яшаши шarti билан берилди»;

8-банднинг биринчи хатбошига «суд,» сўзидан кейин «суд органи ва» сўзлари қўшилсин;

9-бандга «судьянинг,» сўзидан кейин «суд органлари ходимининг ва» сўзлари қўшилсин;

10-бандга «Судья,» сўзидан кейин «суд органлари ходими ва» сўзлари қўшилсин;

11-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«11. Ушбу Низомга мувофиқ судьяларга, суд органлари ходимларига ва прокуратура органлари ходимларига пул компенсацияси тўлаш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Пул компенсацияси тўлашга пул маблағлари сарфи тўғрисидаги ҳисобот ушбу Низомга мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йилнинг ҳар чорагида тақдим этилади».

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги республика суд экспертизаси маркази фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2012 йил 14 ноябрдаги 321-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2012 й., 46-47-сон, 522-модда) 5-бандининг учинчи хатбошида «Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари «бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Халқаро арбитраж ишларида Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ҳимоя қилишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 14 июндаги 173-сон қарорида:

а) 4-банддаги «Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари «бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 5-банднинг иккинчи хатбошидаги «Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси Кузатув кенгашининг ҳар йилги қарори билан» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг буйруғи билан» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 7-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2013 йил 12 декабрдаги ПҚ–2085-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2014 йил 10 мартдаги 57-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 3-сон, 25-модда):

а) 1-илованинг 11-бандидаги «Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари «бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-илованинг 11-бандидаги «Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари «бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 3-илованинг 5-бандидаги «Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари «бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Адлия органлари ва муассасаларининг

бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағлар ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 23 декабрдаги 413-сон қарори 1-бандининг «а» кичик бандида:

иккинчи хатбошидаги «78» рақами «82» рақами билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«8 фоизи — бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармасини шакллантиришга».

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**1095** Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини масофадан ўқитиш таълим усуллари орқали қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил  
23 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2936*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги 242-сон «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини масофадан ўқитиш таълим усуллари орқали қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**И. МАДЖИДОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 5 сентябрь,  
11-2017-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 23 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг  
2017 йил 5 сентябрдаги 11-2017-сон  
буйруғига  
ИЛОВА

**Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог  
кадрларини масофадан ўқитиш таълим усуллари орқали  
қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларини  
ташkil этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги 242-сон «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташkil этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини масофадан ўқитиш таълим усуллари орқали қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларини (бундан буён матнда қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари деб юритилади) ташkil этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини масофадан ўқитиш таълим усуллари орқали қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги 242-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисидаги низомда назарда тутилган ҳолларда ўтказилади.

2. Масофадан ўқитиш таълим усуллари орқали қайта тайёрлаш ва малака ошириш онлайн (видеомаърузалар, маслаҳатлар, назорат турларини масофадан туриб реал вақт режимда ўтказиш) ва оффлайн (масофавий таълим тизимидаги тегишли ўқув-методик ресурсларни мустақил равишда ўзлаштириш) шаклда амалга оширилади.

**2-боб. Масофадан ўқитиш таълим усуллари орқали қайта  
тайёрлаш ва малака ошириш курсларини ташkil  
этиш ва ўтказиш**

3. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқув жараёнлари бошланишидан 3 кун олдин тингловчига Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташkil этиш Бош илмий-методик маркази (бундан буён матнда Бош илмий-

методик марказ деб юритилади) томонидан электрон портфолио логини ва пароли бериллади.

Тингловчи ўзига берилган логин ва парол ёрдамида Бош илмий-методик марказнинг расмий веб-сайти орқали Масофавий курслар бўлимига кирази ва тизимда ўзининг шахсий кабинетига эга бўлади ҳамда тингловчига тизимдаги электрон шаклдаги ресурслардан фойдаланишга рухсат бериллади.

4. Тингловчи электрон портфолиода сўнгги 3 йил давомидаги ўқув ва ўқув-методик, илмий-тадқиқот ҳамда ташкилий-методик йўналишлардаги касбий фаолият натижаларини электрон шаклда жойлаштиради.

5. Тингловчига берилган логин ва паролни ҳамда шахсий кабинетидан бошқа шахсларга фойдаланиш учун бериш тақиқланади. Тингловчининг шахсий кабинетидан бошқа шахслар фойдаланишини олдини олиш мақсадида ҳимоя усулларидан фойдаланилади.

6. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқитишни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини ташкил этиш ва ўтказиш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини ташкил этиш ва ўтказиш жадвалида тингловчиларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, шунингдек қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг номи ҳамда тингловчи якуний аттестациядан ўтадиган тегишли таянч олий таълим муассасаси ҳузурдаги аттестация комиссияси ва тингловчининг аттестациядан ўтиш муддати кўрсатилади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини ташкил этиш ва ўтказиш жадвали Бош илмий-методик марказнинг расмий веб-сайтидаги Масофавий курслар бўлимида эълон қилинади.

7. Тингловчи Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларни ташкил этиш ва ўтказиш жадвалига қатъий амал қилиши ҳамда ўқув жараёнида шахсан ўзи иштирок этиши шарт.

8. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиш давомийлиги 3 ойдан ошмаслиги лозим.

9. Тингловчининг тегишли қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши бўйича дастлабки билим, кўникма ва малакасининг шаклланганлик даражасини аниқлаш учун онлайн шаклда кириш тест синови ўтказилади.

Мазкур тест синовининг натижалари тингловчининг ўқиш давомидаги ўзлаштириш кўрсаткичларига таъсир қилмайди ва уларнинг рейтинг баллини жамлашда ҳисобга олинмайди.

10. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқитиш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган ўқув режа ва дастурлар асосида амалга оширилади.

11. Тегишли қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўқув режасидаги ўқув модуллар бўйича онлайн маърузалар, шунингдек тингловчиларнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, қўшимча маслаҳатлар ташкил этилади.

12. Онлайн маърузалар ўтказилишидан 5 кун олдин тизимда Бош ил-



мий-методик марказ томонидан онлайн маъруза ўтказиладиган сана, вақт, маъруза мавзуси ҳамда маърузачининг фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилган эълон берилади.

13. Тингловчининг ўқув дастурини ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун ҳар ҳафталик ассисментлар (жорий назорат), педагогик (малакавий) амалиёт, курсни тамомлагандан кейинги тест синовлари ҳамда битирув (лойиха) иши ҳимояси ўтказилади.

14. Тингловчи ўқув режадаги ҳар бир модулни тўлиқ ўзлаштирганидан кейин ҳар ҳафталик ассисмент (жорий назорат) топшириқларини бажаради. Ассисмент топшириқларини бажариш онлайн шаклда амалга оширилади. Бунда тингловчига ҳар бир модул бўйича умумлашган тест саволлари, кейслар ва ижодий топшириқлар берилади.

15. Тингловчининг педагогик (малакавий) амалиёти қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

16. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини тамомлаган тингловчи курсни тамомлагандан кейинги тест синовларини топширади. Курсни тамомлагандан кейинги тест синовлари онлайн тест шаклида ўтказилади.

Тест саволлари тегишли қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўқув дастури доирасида тузилади.

Тингловчига тест топшириқларини бажариш учун 100 та тест саволи берилади. Тест синовларининг натижалари шу вақтнинг ўзида эълон қилинади.

17. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчиларининг ўзлаштириши рейтинг баҳолаш тизими асосида Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги 242-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисидаги низомга мувофиқ назорат қилинади.

18. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчилари кириш ва якуний онлайн-тест синовлари, ассисментлар (жорий назорат), педагогик (малакавий) амалиёт ҳамда касбий фаолият, шу жумладан электрон тизим бўйича натижаларига кўра аттестацияга қўйиш асосида Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги 242-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисидаги низомга мувофиқ аттестация комиссиялари томонидан аттестациядан ўтказилади.

19. Тингловчиларни аттестациядан ўтказиш Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги 242-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

20. Курсни тамомлагандан кейинги якуний онлайн-тест синовларига ўз вақтида келмаганликнинг ҳужжат билан тасдиқланган узрли сабаблари бўлганда тингловчига навбатдаги якуний онлайн-тест синовларига киритилишига бир марта имконият берилади.

21. Курсни тамомлагандан кейинги тест синовларига узрсиз сабабларга кўра келмаган тингловчи якуний аттестациядан ўтмаган ҳисобланади.

### 3-боб. Якуний қоида

22. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

## 1096 Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тингловчиларининг битирув (лойиҳа) ишини тайёрлаш ва ҳимояга тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил  
23 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2937*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги 242-сон «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тингловчиларининг битирув (лойиҳа) ишини тайёрлаш ва ҳимояга тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**И. МАДЖИДОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 5 сентябрь,  
12-2017-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 23 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг  
2017 йил 5 сентябрдаги 12-2017-сон  
буйруғига  
ИЛОВА

**Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог  
кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини  
ошириш курслари тингловчиларининг битирув (лойиха)  
ишини тайёрлаш ва ҳимояга тақдим этиш  
тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги 242-сон «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тингловчиларининг битирув (лойиха) ишини тайёрлаш ва ҳимояга тақдим этиш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Битирув (лойиха) иши Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малака ошириш курслари (бундан буён матнда қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари деб юритилади) ўқув дастурларини ўзлаштириш жараёнида тингловчи эгаллаган назарий ва амалий билимлари асосида бажарилган ўқув-услубий ишларнинг натижаси ҳисобланади.

2. Қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида ўқиётган олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрлари битирув (лойиха) ишини тайёрлайди.

Битирув (лойиха) иши тингловчининг қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишидан келиб чиқиб битирув иши ёки лойиха иши шаклида тайёрланади.

3. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчиларининг битирув (лойиха) ишини ҳимоя қилиш аттестация комиссиясида амалга оширилади.

4. Тингловчилар битирув (лойиха) иши мавзуларини Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш Бош илмий-методик марказининг (бундан буён матнда Бош илмий-методик марказ деб юритилади) ўқув-методик ишлар бўйича ўринбосари ёки Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш минтақавий (тармоқ) марка-

зининг (бундан буён матнда минтақавий (тармоқ) марказ деб юритилади) директори томонидан тасдиқланадиган Битирув (лойиҳа) иши мавзулари рўйхатида кўрсатилган мавзулардан бирини ўзининг қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишидан келиб чиққан ҳолда танлайди.

Масофадан ўқитиш таълим усуллари орқали қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиётган тингловчилар Битирув (лойиҳа) иши мавзулари рўйхатини Бош илмий-методик марказнинг расмий веб-сайти орқали Масофавий курслар бўлиmidан юклаб олади ва мазкур веб-сайттаги тегишли тугмани босиш орқали танлаган мавзусини белгилайди.

Тингловчи битирув (лойиҳа) иши мавзусини ўзининг қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиш ва фан соҳасининг долзарб масалаларидан келиб чиқиб ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга. Бунда тингловчи томонидан танланган битирув (лойиҳа) иши мавзуси Бош илмий-методик марказ ёки минтақавий (тармоқ) марказ билан келишилиши шарт.

## **2-боб. Битирув (лойиҳа) ишини тайёрлаш ва унинг мазмунига қўйиладиган талаблар**

5. Тингловчининг битирув (лойиҳа) иши мавзусидан келиб чиқиб унга тегишлилиги бўйича Бош илмий-методик марказ ёки минтақавий (тармоқ) марказ педагоглари орасидан илмий раҳбар бириктирилади.

Тингловчининг битирув (лойиҳа) иши мавзуси ва унга бириктирилган илмий раҳбар тегишлилиги бўйича Бош илмий-методик марказ ёки минтақавий (тармоқ) марказ директорининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

6. Илмий раҳбар:

тингловчига битирув (лойиҳа) ишини тайёрлаш бўйича маслаҳатлар бериб боради;

битирув (лойиҳа) иши режасини тузишда тингловчига кўмаклашади;

битирув (лойиҳа) ишининг ўз вақтида тайёрланиши ва тўғри расмийлаштирилишини назорат қилади;

битирув (лойиҳа) ишига хулоса беради.

7. Битирув (лойиҳа) иши қўйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлиши керак:

Мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ шаклда титул варак;

битирув (лойиҳа) ишининг аннотацияси;

мундарижа;

кириш;

асосий қисм;

хулоса;

фойдаланилган адабиётлар рўйхати;

иловалар (мавжуд бўлса).

8. Битирув (лойиҳа) ишининг кириш қисми қўйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

битирув (лойиҳа) иши мавзусининг долзарблиги ва унинг асосланиши;

битирув (лойиҳа) ишининг объекти ва предмети;

битирув (лойиха) ишининг мақсади ва вазифалари;

битирув (лойиха) ишини тайёрлашда фойдаланилган адабиётлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача ўзаро таҳлили;

битирув (лойиха) ишининг назарий ва амалий аҳамияти;

битирув (лойиха) иши тузилмасининг тавсифи.

9. Битирув (лойиха) ишининг асосий қисми камида икки бобдан иборат бўлиб, боблар ҳажм жиҳатидан ўзаро мутаносиб бўлиши керак.

10. Битирув (лойиха) ишининг асосий қисмида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

битирув (лойиха) ишини тайёрлашда фойдаланилган адабиётлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва илғор хорижий тажрибаларнинг қиёсий таҳлили;

битирув (лойиха) ишининг амалий қисми баёни.

11. Битирув (лойиха) ишининг хулоса қисмида мавзу бўйича умумлаштирилган хулоса, фикр, таклиф ҳамда тавсиялар қисқа ва аниқ кўрсатилади.

12. Битирув (лойиха) ишига унинг мазмунини баён этиш учун бевосита зарур бўлган, мавзуга доир қўшимча маълумотларни ўз ичига олган материаллар илова қилиниши мумкин.

13. Битирув (лойиха) иши тайёрлашда муаллифликни ўзлаштиришга (плагиатга) йўл қўйилмайди.

### **3-боб. Битирув (лойиха) ишини расмийлаштириш ва ҳимояга тақдим этиш**

14. Битирув (лойиха) ишининг матни 40 саҳифадан кам бўлмаслиги тавсия этилади.

15. Битирув (лойиха) ишининг матни А4 форматдаги қоғоз варағининг бир томонида жойлаштирилиши лозим.

16. Битирув (лойиха) ишининг бетлари изчил кетма-кетликда рақамланиши лозим, бунда иловалар алоҳида рақамланади.

Бетнинг тартиб рақами варақнинг пастки ўнг бурчагида 2 рақамдан бошлаб ёзилади. Биринчи бетида 1 рақами қўйилмайди.

17. Битирув (лойиха) иши:

стандарт варақ 1,5 қатор оралиғида («полуторный») ёзилиши;

ҳар бир бет юқоридан ва пастдан 2 см, чапдан 3 см, ўнгдан 1,5 см ҳошияга эга бўлиши;

хатбоши беш-олти белгига тенг ва бир хилда бўлиши;

матннинг ҳар бир қаторида сўзлар кўчирилмасдан тугалланган бўлиши лозим.

Матнни компьютер воситасида босиб чиқаришда «Times New Roman» 14 ўлчамли шрифтда ёки шунга ўхшаш шрифтни қўллаган ҳолда Microsoft Word матн редакторидан фойдаланиш тавсия қилинади.

18. Битирув (лойиха) иши тингловчининг танлови бўйича ўзбек, рус, қорақалпоқ ва инглиз тилларида ёки тегишлилиги Бош илмий-методик мар-

каз ёхуд минтақавий (тармоқ) марказ билан келишган ҳолда бошқа тилда тайёрланади.

19. Тингловчи битирув (лойиҳа) ишини якуний аттестация ўтказилишидан камида 3 кун олдин илмий раҳбар хулосаси билан бирга Бош илмий-методик марказ ёки минтақавий (тармоқ) марказга топширади.

20. Бош илмий-методик марказ ёки минтақавий (тармоқ) марказ тингловчиларнинг битирув (лойиҳа) ишларини аттестация комиссиясига ҳимоя учун тақдим этади.

#### **4-боб. Якуний қоида**

21. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тингловчиларининг битирув (лойиха) ишини тайёрлаш ва ҳимояга тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга  
ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

(таянч олий таълим муассасасининг номи)

**ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
МАРКАЗИ**

(минтақавий ёки тармок)

«Ҳимояга тавсия этаман»

(қайта тайёрлаш ва малака маркази номи)

(имзо) (қайта тайёрлаш ва малака маркази директорининг фамилияси, исми, отасининг исми)

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ йўналиши тингловчиси  
(қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши номи)

\_\_\_\_\_ НИНГ  
(тингловчининг фамилияси исми отасининг сими)

\_\_\_\_\_ мавзусидаги  
(мавзу номи)

\_\_\_\_\_ ИШИ  
(битирув ёки лойиха)

Илмий раҳбар: \_\_\_\_\_  
(фамилияси, исми, отасининг исми)

Тошкент шаҳри

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**1097** Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида педагогик (малакавий) амалиётни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил  
23 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2938*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги 242-сон «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида педагогик (малакавий) амалиётни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**И. МАДЖИДОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 5 сентябрь,  
13-2017-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 23 октябрда эълон қилинган.



Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг  
2017 йил 5 сентябрдаги 13-2017-сон  
буйруғига  
ИЛОВА

**Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог  
кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини  
ошириш курсларида педагогик (малакавий) амалиётни  
ташkil этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги 242-сон «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташkil этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларидаги педагогик (малакавий) амалиётни ташkil этиш ҳамда ўтказиш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малака ошириш курсларида (бундан буён матнда қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари деб юритилади) ўқиётган олий таълим муассасаларининг раҳбар кадрлари малакавий амалиёт, педагог кадрлари эса, педагогик амалиёт ўтайди.

2. Раҳбар ва педагог кадрларнинг педагогик (малакавий) амалиёти олий таълим муассасаларининг ихтисослаштирилган кафедралари, иктисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа ташкилотлари билан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташkil этиш Бош илмий-методик маркази (бундан буён матнда Бош илмий-методик марказ деб юритилади) ёки Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш минтақавий (тармоқ) марказлари (бундан буён матнда минтақавий (тармоқ) марказ деб юритилади) ўртасида тузиладиган шартномалар асосида амалга оширилади.

3. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиётган тингловчиларнинг педагогик (малакавий) амалиёти ўқув режаси бўйича ўқув модуллари яқунланганидан кейин Бош илмий-методик маркази ёки минтақавий (тармоқ) марказ директори томонидан тасдиқланадиган режа-жадвал асосида олий таълим муассасаларининг ихтисослаштирилган кафедралари, иктисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа ташкилотларида (бундан буён матнда амалиёт объекти деб юритилади) ташkil этилади.

4. Педагогик (малакавий) амалиётнинг давомийлиги ва соатлар ҳажми қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг ўқув-режасига мувофиқ белгиланади.

## **2-боб. Раҳбар кадрларнинг малакавий амалиётини ташкил этиш ва ўтказиш**

5. Тингловчиларга Бош илмий-методик маркази директорининг буйруғи асосида малакавий амалиёт раҳбари тайинланади ҳамда улар тегишли амалиёт ўташ ташкилотларига юборилади.

6. Ҳар бир малакавий амалиёт раҳбари учун 12 нафаргача тингловчилар бириктирилади.

7. Малакавий амалиёт раҳбари амалиёт ўталадиган ташкилотнинг раҳбари томонидан бириктириладиган масъул ходим билан Тингловчининг амалиётини ташкил этиш ва ўтказиш дастурини (бундан буён матнда амалиёт дастури деб юритилади) тузади.

8. Малакавий амалиёт раҳбари:

тингловчиларни амалиёт дастури билан таништиради;

амалиёт ўталадиган ташкилотга олиб боради;

тингловчилар томонидан амалиёт дастурида белгиланган ишларнинг бажарилишини умумий назорат қилади;

зарур ҳолларда тингловчиларга тегишли маслаҳатлар беради;

тингловчиларнинг амалиёт бўйича ҳисоботларини баҳолайди.

9. Тингловчига малакавий амалиёт ўташ даврида зарурий шарт-шароитларни яратиш, тегишли маслаҳатлар бериш ҳамда уларнинг амалиёт фаолиятини назорат қилиш мақсадида тегишли ташкилотнинг раҳбари томонидан амалиёт ўташ жойидан масъул ходим (бундан буён матнда масъул ходим деб юритилади) бириктирилади.

10. Масъул ходим:

тингловчиларни амалиёт ўталаётган ташкилот билан таништиради;

тингловчиларнинг ўрганиши ва таҳлил қилишлари учун амалиёт ўталаётган ташкилот фаолияти билан боғлиқ ҳужжатларнинг нусхаларини ёки электрон шаклини тингловчиларга тақдим этади;

тингловчиларга амалиёт ўташ даврида тегишли маслаҳатлар беради;

амалиёт дастурида белгиланган ишларни амалга оширилишини, шунингдек тингловчининг амалиёт кундалиги ҳар куни тўғри ва тўлиқ ёзиб борилишини назорат қилади ва имзолайди.

11. Тингловчи амалиёт ўтаётган ташкилотнинг ички тартиб-қоидаларига, техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига қатъий риоя қилиши шарт.

12. Тингловчи малакавий амалиёт даврида Бош илмий-методик марказ томонидан бериладиган мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклдаги амалиёт кундалигини юритади.

13. Амалиёт кундалигининг титул varaғида тингловчининг қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши, унинг фамилияси, исми ва отасининг исми,

малакавий амалиёт ўталаётган ташкилот номи ҳамда масъул ходимнинг фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилади.

14. Тингловчи томонидан амалиёт дастури асосида бажарилган ишлар амалиёт кундалигига ҳар куни ёзиб борилади.

Бунда, амалиёт ўталган сана, бажарилган ишлар тўғрисида қисқача маълумот ёзилади ҳамда бажарилган ишлар ва маълумотларнинг тўғри ва тўлиқлиги масъул ходимнинг имзоси билан тасдиқланади.

15. Масъул ходим амалиёт якунида тингловчининг амалиёт кундалиги титул варағига имзо қўяди ва тегишли муҳр билан тасдиқлайди.

16. Амалиёт кундалиги масъул ходим томонидан имзолангандан кейин, тингловчининг ўзида сақланади ва у ҳисобот билан бирга амалиёт раҳбарига топширилади.

17. Тингловчи амалиёт даврида амалиёт ўтаётган ташкилот фаолиятининг йўналишлари, таълим менежменти ва бошқарув стратегияси соҳасидаги мавжуд иш тажрибасини ўрганади ва таҳлил қилади.

Ўрганиш ва таҳлил қилиш амалиёт ўталаётган ташкилот фаолиятининг ютуқлари, камчиликлари, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш асосида амалга оширади.

18. Тингловчи ўрганиш ва таҳлил натижалари асосида амалиёт ўталаётган ташкилотда бошқарув ва фаолият самарадорлигини, шунингдек таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш юзасидан ўзининг таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқади.

19. Тингловчи амалиёт якунида амалиёт даврида бажарган ишлари юзасидан ҳисобот тайёрлайди. Ҳисоботда амалиёт жараёнида бажарилган ишларини умумлашган ҳолда кўрсатиши лозим.

20. Ҳисоботда қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

амалиёт ташкил этилган ташкилотнинг фаолият йўналишлари ҳақида қисқача маълумот;

тингловчи амалиётни ўташ жараёнида танишган норматив-ҳуқуқий, ўқув-методик ва бошқа ҳужжатлар;

амалиёт ўталаётган ташкилот фаолиятининг йўналишлари, таълим менежменти ва бошқарув стратегияси бўйича таҳлилий маълумотлар;

амалиёт ўталаётган ташкилот фаолиятининг йўналишлари, таълим менежменти ва бошқарув стратегияси ва фаолият самарадорлигини, шунингдек таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш юзасидан таклиф ва тавсиялар.

21. Ҳисоботнинг титул варағида тингловчининг қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ўтиш жойи ва йўналиши, унинг фамилияси, исми ва отасининг исми, малакавий амалиёт ўталаётган ташкилот номи ҳамда амалиёт раҳбарининг фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилади.

22. Малакавий амалиёт якунлангандан кейин тингловчилар тайёрланган ҳисоботни ва амалиёт кундалигини амалиёт раҳбарига топширади.

Масофадан ўқитиш таълим усуллари орқали қайта тайёрлаш ва малака

ошириш курсларида ўқиётган тингловчилар малакавий амалиёт бўйича тайёрланган ҳисоботни ва амалиёт кундалигини электрон шаклда (PDF форматда) амалиёт раҳбарининг электрон почтасига юборади.

23. Амалиёт раҳбари тингловчидан ҳисобот ва амалиёт кундалигини қабул қилиб олади.

Масофадан ўқитиш таълим усуллари орқали қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиётган тингловчиларнинг ҳисоботлари ва амалиёт кундалигини электрон шаклда қабул қилади ва чоп этади.

Ҳисоботнинг титул varaғи амалиёт раҳбари томонидан имзоланади ва тегишли муҳр билан тасдиқланади.

24. Амалиёт раҳбари тингловчиларнинг малакавий амалиёт натижаларини ўрганиб чиқади ва баҳолайди.

25. Тингловчиларнинг малакавий амалиёти натижалари қуйидагича баҳоланади:

тингловчининг амалиёт кундалигини тўғри ва тўлиқ юритганлиги — 0,5 баллик тизимда;

тингловчининг ўрганиш ва таҳлил натижалари асосида ишлаб чиққан таклиф ва тавсиялари — 3,5 баллик тизимда;

тингловчининг амалиёт даврида бажарган ишлари юзасидан тайёрланган ҳисобот — 1 баллик тизимда.

26. Тингловчига амалиёт раҳбари томонидан қўйилган балларнинг ўртача арифметик баҳоси қўйилади.

### **3-боб. Педагог кадрларнинг педагогик амалиётини ташкил этиш ва ўтказиш**

27. Тингловчиларга минтақавий (тармоқ) марказ директорининг буйруғи асосида минтақавий (тармоқ) марказнинг педагог кадрлари орасидан амалиёт раҳбари тайинланади ҳамда улар амалиёт ўташ учун таянч олий таълим муассасаси ҳузуридаги ихтисослаштирилган кафедраларга юборилади.

Масофадан ўқитиш таълим усуллари орқали қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиётган тингловчиларга амалиёт раҳбари тайинлаш талаб этилмайди ва уларнинг амалиёти ўзлари фаолият кўрсатаётган олий таълим муассасаси кафедрасида ташкил этилади.

28. Ҳар бир малакавий амалиёт раҳбари учун 12 нафаргача тингловчилар бириктирилади.

29. Педагогик амалиёт раҳбари ихтисослаштирилган кафедранинг мудири билан биргаликда Тингловчининг амалиётини ташкил этиш ва ўтказиш дастурини (бундан буён матнда амалиёт дастури деб юритилади) тузади.

30. Педагогик амалиёт раҳбари:

тингловчиларни амалиёт дастури билан таништиради;  
ихтисослаштирилган кафедрага олиб боради;

тингловчилар томонидан амалиёт дастурида белгиланган ишларнинг бажарилишини умумий назорат қилади;

зарур ҳолларда тингловчиларга тегишли маслаҳатлар беради;

тингловчиларнинг амалиёт бўйича ҳисоботларини баҳолайди.

31. Тингловчига амалиёт даврида зарурий шарт-шароитларни яратиш, тегишли маслаҳатлар бериш ҳамда уларнинг амалиёт фаолиятини назорат қилиш мақсадида таянч олий таълим муассасаси ректори томонидан ихтисослаштирилган кафедра мудирининг масъул сифатида бириктирилади.

Масофадан ўқитиш таълим усуллари орқали қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиётган тингловчиларга амалиёт даврида зарурий шарт-шароитларни яратиш, тегишли маслаҳатлар бериш ҳамда уларнинг амалиёт фаолиятини назорат қилиш тингловчи фаолият кўрсатаётган кафедра мудирининг томонидан амалга оширилади.

32. Кафедра мудирининг:

тингловчиларнинг ихтисослаштирилган кафедра фаолияти билан таништирилади;

тингловчиларнинг ўрганиши ва таҳлил қилишлари учун кафедранинг фаолияти билан боғлиқ ҳужжатларнинг нусхаларини ёки электрон шаклида тингловчиларга тақдим этади;

амалиёт ўташ даврида тингловчиларга тегишли маслаҳатлар беради;

амалиёт дастурида белгиланган ишларнинг амалга оширилишини, шунингдек тингловчининг амалиёт кундалиги ҳар куни тўғри ва тўлиқ ёзиб борилишини назорат қилади ва имзолайди;

масофадан ўқитиш таълим усуллари орқали қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчиларнинг очик дарсларини кузатиш, шунингдек амалиёт якунлари бўйича кафедра йиғилишида муҳокама қилиш учун ташқи экспертларни жалб қилади.

33. Тингловчи кафедранинг ички тартиб-қоидаларига, техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига қатъий риоя қилиши шарт.

34. Тингловчи педагогик амалиёт даврида минтақавий (тармоқ) маркази томонидан бериладиган мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклдаги амалиёт кундалигини юритади.

Масофадан ўқитиш таълим усуллари орқали қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиётган тингловчилар мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклдаги амалиёт кундалигини Бош илмий-методик марказнинг расмий веб-сайти орқали Масофавий курслар бўлимидан юклаб олади.

35. Амалиёт кундалигининг титул варағида тингловчининг қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши, унинг фамилияси, исми ва отасининг исми, масъул ходимнинг фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилади.

36. Тингловчи томонидан амалиёт дастури асосида бажарилган ишлар амалиёт кундалигига ҳар куни ёзиб борилади.

Бунда, амалиёт ўталган сана, бажарилган ишлар тўғрисида қисқача маълумот ёзилади ҳамда бажарилган ишлар ва маълумотларнинг тўғри ва тўлиқлиги кафедра мудирининг имзоси билан тасдиқланади.

37. Кафедра мудирини амалиёт якунида тингловчининг амалиёт кундалиги титул варағига имзо қўяди ва тегишли муҳр билан тасдиқлайди.

38. Амалиёт кундалиги тингловчининг ўзида сақланади ва у амалиёт якунида ҳисобот билан бирга кафедра мудирини топширилади.

39. Тингловчи амалиёт даврида кафедра фаолияти ва иш тажрибасини ўргангани ҳамда таҳлил қилади.

40. Тингловчи педагогик амалиёт даврида кафедранинг профессор-ўқитувчилари томонидан ўтказиладиган 2 та дарс жараёнларини кузатади ва таҳлил қилади.

41. Тингловчи амалиёт ўташ даврида кафедранинг йўналишига мос фанлар бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўзлаштирган билим, кўникма ва малакалари, шунингдек илғор педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда талабаларга 1 та очиқ дарс ўтказилади.

42. Тингловчи томонидан ўтказиладиган очиқ дарсда кафедранинг тажрибали профессор-ўқитувчилари иштирок этади ва дарс жараёнини кузатиб боради.

Масофадан ўқитиш таълим усуллари орқали қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиётган тингловчи томонидан ўтказиладиган очиқ дарсда кафедранинг тажрибали профессор-ўқитувчилари билан биргаликда турдош олий таълим муассасаларидан соҳа мутахассиси бўлган ташқи экспертлар иштирок этади. Ташқи экспертлар ўтказилган очиқ дарс тугагандан кейин шу куннинг ўзида очиқ дарс бўйича ўз хулосаларини кафедра мудирини ёзма шаклда тақдим этади.

43. Тингловчи амалиёт якунида амалиёт даврида бажарган ишлари юзасидан ҳисобот тайёрлайди. Ҳисоботда амалиёт жараёнида бажарилган ишлар умумлашган ҳолда кўрсатилади.

44. Ҳисоботда қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим:

амалиёт ташкил этилган ихтисослаштирилган кафедранинг фаолият йўналишлари ҳақида қисқача маълумот;

амалиётни ўташ жараёнида танишган норматив-ҳуқуқий, ўқув-услубий ва бошқа ҳужжатлар;

кафедра профессор-ўқитувчилари ўтказган дарс жараёнларини кузатиш ва таҳлил қилишнинг натижалар бўйича тингловчининг фикрлари;

тингловчи ўтказган очиқ дарсда фойдаланилган ўқув материаллари ва ишланмалари;

кафедрада педагогик фаолият самарадорлигини ва ўқитиш сифатини ошириш юзасидан таклиф ва тавсиялар.

45. Ҳисоботнинг титул варағида тингловчининг қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши, унинг фамилияси, исми ва отасининг исми, кафедранинг номи ҳамда амалиёт раҳбарининг фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилади.

46. Малакавий амалиёт якунлангандан кейин тингловчилар тайёрланган ҳисоботни ва амалиёт кундалигини кафедра мудирини топширади.

Амалиёт якунлари бўйича кафедра йиғилиши ҳисоботлар қабул қилиб олинган кундан бошлаб 1 кун ичида ўтказилади.

47. Кафедра мудирининг тингловчилардан ҳисобот ва амалиёт кундаликлари қабул қилиб олади ҳамда уларни амалиёт якунлари бўйича кафедра йиғилиши ўтказиладиган вақт ҳақида хабардор қилади. Амалиёт якунлари бўйича кафедра йиғилишида амалиёт раҳбари, кафедранинг профессор-ўқитувчилари ҳамда тингловчилар иштирок этадилар.

48. Кафедра йиғилишида тингловчиларнинг педагогик амалиёт якунлари бўйича натижалари қуйидагича баҳоланади:

тингловчининг амалиёт кундалигини тўғри ва тўлиқ юритганлиги — 0,5 баллик тизимда;

тингловчининг очиқ дарсларни ўтказиш жараёни — 3,5 баллик тизимда;

тингловчининг амалиёт даврида бажарган ишлари юзасидан тайёрланган ҳисобот — 1 баллик тизимда.

49. Кафедра йиғилишида ҳар бир қатнашчи тингловчининг амалиёт якунлари бўйича натижаларига ўзининг баҳосини қўяди. Кафедра йиғилиши қатнашчилари томонидан қўйилган баҳолар муҳокама қилиниб, тингловчига ўртача арифметик балл қўйилади.

#### **4-боб. Якуний қоида**

50. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида педагогик (малакавий) амалиётни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги

низомига  
1-ИЛОВА

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

**Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш Бош илмий-методик маркази**

\_\_\_\_\_ қайта тайёрлаш ва малака  
(қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг номи)  
ошириш йўналиши тингловчиси \_\_\_\_\_нинг  
(фамилияси, исми, отасининг исми)  
малакавий амалиёт бўйича

### АМАЛИЁТ КУНДАЛИГИ

Масъул ходим: \_\_\_\_\_ (фамилияси, исми, отасининг исми) \_\_\_\_\_ (имзо)  
М.Ў.

Тошкент шаҳри 20\_\_ йил



**Тингловчининг малакавий амалиёт  
КУНДАЛИГИ**

Сана	Бажарилган ишлар ҳақида қисқача маълумот	Амалиёт раҳбарининг имзоси
Биринчи кун		
Иккинчи кун		
Учинчи кун		
Тўртинчи кун		
Бешинчи кун		

Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида педагогик (малакавий) амалиётни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги  
низомга  
2-ИЛОВА

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш \_\_\_\_\_ маркази  
(минтақавий ёки тармок)

\_\_\_\_\_ қайта тайёрлаш ва малака ошириш  
(қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг номи)  
йўналиши тингловчиси \_\_\_\_\_нинг  
(фамилияси, исми, отасининг исми)

педагогик амалиёт бўйича

### АМАЛИЁТ КУНДАЛИГИ

Масъул ходим: \_\_\_\_\_  
(фамилияси, исми, отасининг исми)

\_\_\_\_\_ (имзо)

М.Ў.

Тошкент шаҳри 20\_\_ йил

**Тингловчининг педагогик амалиёт  
КУНДАЛИГИ**

Сана	Бажарилган ишлар ҳақида қисқача маълумот	Амалиёт раҳбарининг имзоси
Биринчи кун		
Иккинчи кун		
Учинчи кун		
Тўртинчи кун		
Бешинчи кун		

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**1098** Ўзбекистон Республикаси банкларида касса амалларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил  
23 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1602-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 15 июндаги 13/6-сон қарори (рўйхат рақами 1602, 2006 йил 24 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 30-сон, 299-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси банкларида касса амалларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 23 сентябрь,  
26/2-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил  
23 сентябрдаги 26/2-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси банкларида касса амалларининг  
бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидаларига киритилаётган  
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-бандда:

қуйидаги мазмундаги ўттиз учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:  
«29896 — Бошқа мажбуриятлар»;

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 23 октябрда эълон қилинган.

ўттиз учинчи хатбоши ўттиз тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. 6-банд қуйидаги мазмундаги «в» кичик банд билан тўлдирилсин:

«в) инкассаторлар орқали йиғиб келинган инкассаторлик қопларидаги нақд пул бошқа ҳудудда жойлашган тижорат банки (филиали)нинг шу ҳудуддаги банк биносидан ташқарида жойлашган операцион кассасига тегишли бўлса:

**Дебет** 19903 — «Инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклар»

**Кредит** 29896 — «Бошқа мажбуриятлар».

3. 10-банд қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Агар банкнинг қайта санаш кассасида аниқланган ортиқча нақд пул маблағлари шу ҳудудда бош банки ёки филиали бўлмаган банк биносидан ташқарида жойлашган операцион кассасига тегишли бўлса, унда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

**Дебет** 29816 — «Қайта санаш вақтида аниқланган ортиқча нақд пуллари»

**Кредит** 29896 — «Бошқа мажбуриятлар».

4. 13-банд қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Агар банкнинг қайта санаш кассасида аниқланган камомад суммаси шу ҳудудда бош банки ёки филиали бўлмаган банк биносидан ташқарида жойлашган операцион кассасига тегишли бўлса ва у шартномада келишилган шартларга биноан ундириб олинганда, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

**Дебет** 29896 — «Бошқа мажбуриятлар»

**Кредит** 19935 — «Қайта санаш вақтида аниқланган нақд пул бўйича камомадлар».

5. 14-банд қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«шу ҳудудда бош банки ёки филиали бўлмаган банк биносидан ташқарида жойлашган операцион кассасига тегишли бўлган нақд пул бўйича маблағлар қайта санаш кассасида санаб бўлингандан кейин, электрон мемориал ордер шакллантирилиб, вакиллик ҳисобварағидан шу куннинг ўзида электрон тўлов тизими орқали ўтказиб берилади ва қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

**Дебет** 29896 — «Бошқа мажбуриятлар» — нақд пулни қабул қилган тижорат банки (филиали)

**Кредит** 29896 — «Бошқа мажбуриятлар» — бошқа ҳудудда жойлашган тижорат банки (филиали)».

6. 15-банд қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Бошқа ҳудудда жойлашган тижорат банки (филиали)га электрон тўлов тизими орқали маблағ келиб тушганда, дастурий йўл билан қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали қирим қилинади:

**Дебет** 29896 — «Бошқа мажбуриятлар» (16103 — «Бош банк/филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинган маблағлар» ҳисобварағи орқали) — нақд пулни қабул қилган тижорат банки (филиали)

**Кредит** 29896 — «Бошқа мажбуриятлар» — бошқа ҳудудда жойлашган тижорат банки (филиали)».

7. IV боб қуйидаги мазмундаги 28<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«28<sup>1</sup>. Тижорат банкларига жисмоний шахслардан нақд чет эл валютасини сотиб олиш учун Марказий банк томонидан мадад пуллари беришда Тижорат банкларига жисмоний шахслардан нақд чет эл валютасини сотиб олиш учун Марказий банк томонидан мадад пуллари бериш тартиби тўғрисидаги низомда (рўйхат рақами 2912, 2017 йил 16 август) белгиланган бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади.».

8. 33-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«33. Пул алмаштириш шохобчаси сотиб олинган хорижий валютанинг «09009» маълумотномасида кўрсатилган алоҳида ҳар бир хорижий валютадаги умумий суммасига:

**Дебет** 10103VVV — «Пул алмаштириш шохобчаларидаги нақд пуллар»

**Кредит** 17101VVV — «Валюта позицияси ҳисобварақлари».

9. 48-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«48. 10109 — «Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари» ҳисобварағи қолдиғи беркитилганда, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

**Дебет** 10101 — «Айланма кассадаги нақд пуллар» ёки 29896 — «Бошқа мажбуриятлар»

**Кредит** 10109 — «Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**1099** Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 23 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2693-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ–3270-сон «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги 14/3-сон қарори (рўйхат рақами 2693, 2015 йил 6 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 27-сон, 360-модда) билан тасдиқланган Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 23 сентябрь,  
26/7-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 23 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил  
23 сентябрдаги 26/7-сон қарорига  
ИЛОВА

**Тижорат банклари капиталининг монандлигига  
қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 3-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. 2017 йилнинг 1 октябридан бошлаб тижорат банклари устав капиталининг энг кам миқдори 100,0 млрд сўмни ташкил этиши лозим.

Фаолият кўрсатаётган тижорат банклари 2019 йилнинг 1 январига қадар устав капиталини ушбу миқдорга етказишлари лозим.».

2. 4-банддаги «капитали энг кам миқдори» деган сўзлар «капиталининг» деган сўз билан алмаштирилсин.

3. 34-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«34. Регулятив капиталнинг таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммасига нисбати 12,5 фоиздан кам бўлмаслиги керак. Регулятив капиталнинг монандлик коэффиценти K1 қўйидаги тарзда ҳисобланади:

$$K1 = PK / TAUC$$

2019 йил 1 январдан бошлаб банклар таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг 3,0 фоизи миқдоридagi капитални консервация қилиш буферини ҳисобга олган ҳолда K1 нинг энг кичик даражасини 0,13 (13,0 фоиз) миқдорида таъминлашлари шарт.

Капиталнинг консервация буфери таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг 3,0 фоизи миқдоридagi қўшимча захирадан иборат. Бундай захирадан мақсад банклар томонидан молиявий ва иқтисодий қийинчилик даврларида зарарларни қоплаш учун ишлатилиши мумкин бўлган капитал захирасининг таъминланишини кафолатлаш ҳисобланади.».

4. 36-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«36. Капиталнинг консервация буфери таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги барча активларнинг 3,0 фоизи сифатли I даражали капитал бўлишини ҳисобга олган ҳолда ва Базель 3 меъёрларига мувофиқ K2 коэффиценти 2017 йилнинг 1 январидан 0,095 (9,5 фоиз) ва 2019 йилнинг 1 январидан 0,10 (10,0 фоиз) миқдоридан кам бўлмаслиги лозим.».

5. 37-банднинг жадвали қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

« Капиталнинг монандлигига қўйилган минимал талаблар (%)			
Талаб кучга кириш санаси	Регулятив капиталга, (K1)	I даражали капиталга, (K2)	I даражали асосий капиталга
01.01.2017	12,5	9,5	7,5
01.01.2019	13	10	8

».



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**1100 Спорт федерациялари (уюшмалари) реестрини юри-  
тиш ва ундан маълумотлар тақдим этиш тартиби  
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил  
23 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2939*

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»-  
ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил  
16 мартдаги 148-сон «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт  
давлат қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига муво-  
фиқ Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси  
**қарор қилади:**

1. Спорт федерациялари (уюшмалари) реестрини юритиш ва ундан маълумотлар тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг 2016 йил 25 мартдаги 31-сон «Спорт федерациялари (уюшмалари) реестрини юритиш ва ундан маълумотлар тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2776, 2016 йил 8 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 14-сон, 140-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис**

**Р. КУРБАНОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 9 октябрь,  
11-мҳ-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Жисмоний тарбия ва спорт давлат  
қўмитасининг 2017 йил 9 октябрдаги  
11-мх-сон қарорига  
ИЛОВА

## **Спорт федерациялари (уюшмалари) реестрини юритиш ва ундан маълумотлар тақдим этиш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 мартдаги 148-сон «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ спорт федерациялари (уюшмалари) реестрини (бундан буён матнда Реестр деб юритилади) юритиш ва ундан маълумотлар тақдим этиш тартибини белгилайди.

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:  
**махсус ваколатли давлат органи** — Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси;

**спорт федерацияси (уюшмаси)** — бир ёки бир нечта спорт турини ривожлантириш, оммалаштириш, шунингдек спорт тадбирларини ўтказишни ташкил этиш ҳамда спортчиларни — Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари аъзоларини спортнинг тегишли тури бўйича тайёрлаш учун аъзолик асосида ташкил этилган ва давлат рўйхатидан ўтказилган нодавлат нотижорат ташкилоти.

2. Спорт федерациялари (уюшмалари) тўғрисидаги маълумотлар улар давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин Реестрга киритилиши керак.

3. Реестрни юритиш махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

### **2-боб. Реестрни шакллантириш**

4. Реестрни шакллантириш ва тизимли юритиш махсус ваколатли давлат органи раҳбарининг буйруғи билан белгиланган масъул ходим (бундан буён матнда масъул ходим деб юритилади) томонидан спорт федерациялари (уюшмалари) тақдим этадиган ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

5. Спорт федерациялари (уюшмалари) давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин ўн беш кун ичида спорт федерациясини (уюшмасини) Реестрга киритиш ҳақида махсус ваколатли давлат органига ариза билан мурожаат қилади.

6. Реестрга киритиш ҳақидаги аризага (спорт федерациясининг (уюш-

масининг) номи кўрсатилган ҳолда) қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

спорт федерациясининг (уюшмасининг) давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

спорт федерациялари (уюшмалари) қайси спорт турини ёки спорт турларини ривожлантириш мақсадида ташкил этилган ва ўз фаолиятини амалга ошираётган бўлса, ўша спорт тури ёки спорт турлари;

спорт федерациялари (уюшмалари) раҳбар органларининг шахсий таркиби тўғрисидаги маълумотлар;

спорт федерацияларининг (уюшмаларининг) халқаро спорт ташкилотларига аъзолиги тўғрисидаги маълумотлар, агар халқаро спорт ташкилотларига аъзо бўлса.

7. Спорт федерацияси (уюшмаси) тақдим этган ҳужжатлар махсус ваколатли давлат органи томонидан ўн беш кун ичида кўриб чиқилади.

Ҳужжатларда камчиликлар мавжуд бўлмаган тақдирда, масъул ходим томонидан имзоланган ҳамда махсус ваколатли давлат органи раҳбарининг биринчи ўринбосари томонидан тасдиқланган хулосага асосан спорт федерацияси (уюшмаси) Реестрга киритилади.

8. Тақдим этилган ҳужжатларда камчиликлар мавжудлиги аниқланган тақдирда, махсус ваколатли давлат органи томонидан тегишли спорт федерациясини (уюшмасини) Реестрга киритиш рад этилмасдан камчиликларни дарҳол бартараф қилиш чоралари кўрилади.

9. Спорт федерациясини (уюшмасини) Реестрга киритиш бўйича хулоса тасдиқлангандан сўнг уч иш куни ичида бу ҳақда тегишли спорт федерациясига (уюшмасига) унинг Реестрга киритилганлиги ҳақида хабарнома юборилади. Мазкур хабарномада тегишли спорт федерациясининг (уюшмасининг) Реестрдаги тартиб рақами кўрсатилиши лозим.

### **3-боб. Реестрни юритиш**

10. Реестр мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ электрон шаклда юритилади.

11. Спорт федерациялари (уюшмалари) реестрида қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

тегишли спорт федерацияларининг (уюшмаларининг) номлари;

тегишли спорт федерациялари (уюшмалари) қайси спорт турини ёки спорт турларини ривожлантириш мақсадида ташкил этилган ва ўз фаолиятини амалга ошираётган бўлса, ўша спорт тури ёки спорт турлари;

тегишли спорт федерациялари (уюшмалари) раҳбар органларининг шахсий таркиби тўғрисидаги маълумотлар;

спорт федерацияларининг (уюшмаларининг) халқаро спорт ташкилотларига аъзолиги тўғрисидаги маълумотлар, агар халқаро спорт ташкилотларига аъзо бўлса.

12. Реестрга киритилган маълумотлар ўзгарган тақдирда, спорт федерациялари (уюшмалари) томонидан ушбу ўзгаришлар ҳақида ўн кун ичида

махсус ваколатли давлат органига ўзгаришларни тасдиқловчи маълумотлар тақдим этилиши лозим. Бундай маълумотлар махсус ваколатли давлат органига тақдим этилганда, беш кун ичида масъул ходим томонидан имзоланган ҳамда махсус ваколатли давлат органи раҳбарининг биринчи ўринбосари томонидан тасдиқланган хулоса асосида Реестрга ўзгартиришлар киритилади.

13. Спорт федерациясининг (уюшмасининг) ваколатли (юқори) органи томонидан спорт федерацияси (уюшмаси) фаолиятини тугатиш ҳақида қарор (ихтиёрий тугатиш) қабул қилинганда, мазкур қарор қабул қилингандан сўнг беш кун ичида махсус ваколатли давлат органига спорт федерациясининг (уюшмасининг) фаолиятини тугатиш ҳақидаги қарор нусхаси аризага илова қилинган ҳолда юборилади.

Спорт федерацияси (уюшмаси) суд томонидан тугатилганда (мажбурий тугатиш), тугатувчи суднинг қарори қонуний кучга кирган кундан бошлаб уч иш куни ичида тугатиш ҳақидаги қарор нусхасини махсус ваколатли давлат органига юборади.

Бундай маълумотлар махсус ваколатли давлат органига тақдим этилганда, спорт федерацияси (уюшмаси) беш кун ичида масъул ходим томонидан имзоланган ҳамда махсус ваколатли давлат органи раҳбарининг биринчи ўринбосари томонидан тасдиқланган хулоса асосида Реестрдан чиқарилади.

14. Реестрни юритиш давомида тўпланган барча ҳужжатлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сақланади.

#### **4-боб. Реестрдан маълумотлар тақдим этиш**

15. Барча маълумотлар, улар Реестрга киритилгандан сўнг, беш кун ичида махсус ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

16. Реестрда кўрсатилган маълумотлар очик бўлади ва улардан ҳамма фойдаланиши мумкин, бундан тегишли спорт федерациялари (уюшмалари) раҳбар органларининг шахсий таркиби тўғрисидаги маълумотлар, агар бу маълумотлар қонун ҳужжатларига мувофиқ очик бўлмаса ва ундан ҳамма фойдаланиши мумкин бўлмаса, мустасно.

17. Реестрдан маълумотлар манфаатдор шахсларнинг мурожаатларига асосан ҳам берилиши мумкин.

#### **5-боб. Яқуний қоидалар**

18. Махсус ваколатли давлат органи мазкур Низом кучга киргунга қадар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган спорт федерацияларининг (уюшмаларининг) ушбу Низомда белгиланган тартибда Реестрга киритилишини таъминлайди.

19. Спорт федерациялари (уюшмалари) раҳбарлари Реестрга киритили-

ши лозим бўлган маълумотларни махсус ваколатли давлат органига ўз вақтида, тўғри ва тўлиқ тақдим этилиши учун масъул ҳисобланади.

20. Махсус ваколатли давлат органи маълумотларнинг Реестрга тўғри ва ўз вақтида киритилиши ҳамда ундан доимий равишда маълумотлар олиш имкониятининг яратилиши учун масъул ҳисобланади.

21. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

Спорт федерациялари (уюшмалари)  
реестрини юритиш ва ундан маълумотлар  
тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга  
ИЛОВА

**Спорт федерациялари (уюшмалари)  
РЕЕСТРИ**

Спорт федерациясига (уюшмасига) берилган тартиб рақами	Спорт федерациясининг (уюшмасининг) номи	Спорт федерацияси (уюшмаси) қайси спорт турини ёки спорт турларини ривожлантириш мақсадида ташкил этилган ва ўз фаолиятини амалга ошираётган спорт тури ёки спорт турлари	Спорт федерацияси (уюшмаси) раҳбар органларининг шахсий таркиби*	Спорт федерациясининг (уюшмасининг) халқаро спорт ташкилотларига аъзолиги**	Махсус ваколатли давлат органининг Реестрга маълумот киритган масъул ходими (Ф.И.О., лавозими)
000					
000					
000					

Изоҳ:

\* тегишли спорт федерациялари (уюшмалари) раҳбар органларининг шахсий таркиби тўғрисидаги маълумотлар, агар бу маълумотлар қонун ҳужжатларига мувофиқ очиқ бўлмаса ва ундан ҳамма фойдаланиши мумкин бўлмаса ушбу графа тўлдирилмайди;

\*\* спорт федерацияси (уюшмаси) халқаро спорт ташкилотларига аъзо бўлса, тўлдирилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**1101** «Божхона иши соҳасида қўлланиладиган айрим ҳужжатлар ва ҳисоботлар шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорнинг 13-иловасини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 24 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2778-2*

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 сентябрдаги 742-сон «Давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига жойлаштирилган товарларни давлат мулкани бошқариш бўйича ваколатли органга топшириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 30 мартдаги 01-02/12-19-сон «Божхона иши соҳасида қўлланиладиган айрим ҳужжатлар ва ҳисоботлар шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорнинг (рўйхат рақами 2778, 2016 йил 12 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 15-сон, 155-модда) 13-иловаси ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис**

Тошкент ш.,  
2017 йил 9 октябрь,  
01-02/12-39-сон

**М. ТОХИРИЙ**

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 25 октябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**1102 Солиқ маслаҳати миллий стандарти (5-сонли СММС)  
«Солиқ маслаҳатчилари ишининг сифатини ички  
назорат қилишни ташкил этишга қўйиладиган талаблар»ни  
тасдиқлаш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил  
24 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2940*

Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Қонуни  
7-моддасига мувофиқ **бююраман:**

1. Солиқ маслаҳати миллий стандарти (5-сонли СММС) «Солиқ маслаҳатчилари ишининг сифатини ички назорат қилишни ташкил этишга қўйиладиган талаблар» иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Б. ХОДЖАЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 19 сентябрь,  
135-сон

Ўзбекистон Республикаси  
молия вазирининг 2017 йил 19 сентябрдаги  
135-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Солиқ маслаҳати миллий стандарти (5-сонли СММС)  
«Солиқ маслаҳатчилари ишининг сифатини ички назорат  
қилишни ташкил этишга қўйиладиган талаблар»**

Мазкур Солиқ маслаҳати миллий стандарти (5-сонли СММС) (бундан буён матнда Стандарт деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида солиқ маслаҳати бўйича фаолиятни норматив тартибга солишнинг элементи ҳисобланади.

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 25 октябрда эълон қилинган.



**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Стандартнинг мақсади солиқ маслаҳатчилари ишининг сифатини ички назорат қилишни ташкил этишга қўйиладиган талабларни белгилаш ҳисобланади.

2. Мазкур Стандарт талаблари барча солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари томонидан қўлланилиши мажбурийдир.

**2-боб. Солиқ маслаҳатчилари ишининг сифатини ички назорати**

3. Солиқ маслаҳатчилари ишининг сифатини ички назорати деганда қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ маслаҳати бўйича хизматларни сифатли кўрсатилишини таъминлаш бўйича ташкилий чора-тадбирлар комплекси тушунилади.

4. Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти ўз хусусиятларини инобатга олган ҳолда солиқ маслаҳатчилари ишининг сифатини назорати ички тартибини белгилашга, шунингдек сифат назоратини тегишли равишда ташкил қилиш учун зарур бўлган ички низом, йўриқнома ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлашга ҳақли.

5. Солиқ маслаҳатчилари ишининг сифатини ички назорати солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг раҳбари томонидан амалга оширилади.

6. Солиқ маслаҳатчилари ишининг сифатини ички назорати тизими қуйидагиларни ўз учига олиши шарт:

ташкилотни ўз мажбуриятларини лозим даражада бажариш учун билимга, маҳоратга ва малакага эга бўлган солиқ маслаҳатчилари билан жамланганлиги;

мураккаб бўлган вазифаларни касбий малакаси ушбу вазифалар хусусиятларига мувофиқ бўлган солиқ маслаҳатчиларига топшириш;

солиқ маслаҳати бўйича хизмат кўрсатиш жараёнида ишларни зарур сифат талабларига жавоб берадиган йўналтирувчи кўрсатмалар асосида бажариш;

солиқ маслаҳатчиларнинг аниқ ҳолатларда билими етарли бўлмаганда, солиқ маслаҳатчилари ташкилоти ичида ҳам, унинг ташқарисида ҳам тегишли маслаҳатлар олиш;

ўзларига юклатилган мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун солиқ маслаҳатчиларига нисбатан тегишли чоралар кўриш.

**3-боб. Солиқ маслаҳатчилари ишининг сифатини ички назорат қилишни ташкил этиш**

7. Солиқ маслаҳатчилари ишининг сифатини ички назорати қуйидаги назорат турларини ўз ичига олади:

дастлабки;

жорий;  
якуний.

8. Дастлабки ички назорат солиқ маслаҳати бўйича хизматларни кўрсатиш учун умумий режа, сарфланадиган вақт ҳисоб-китобини тайёрлашда амалга оширилади.

9. Жорий ички назорат раҳбарий кўрсатмалар ва бажарилган ишни текшириш элементларини ўз ичига олади.

10. Якуний ички назорат ҳар бир солиқ маслаҳатчиси иши натижасини текширишдан иборат.

11. Зарурат бўлганда, солиқ маслаҳатчилари ташкилоти раҳбари ишчи ҳужжатларда текшириляётган шахсга ўз баҳосини, эътирозини, шарҳини ёки тавсиясини беради.

#### **4-боб. Солиқ маслаҳатчиси ёрдамчисининг ишини назорат қилиш**

12. Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти раҳбари солиқ маслаҳатчисининг ёрдамчиси томонидан бажариляётган ишни доимий равишда назорат қилиши ва йўналтириб бориши керак.

13. Иш топшириляётган солиқ маслаҳатчисининг ёрдамчиси бажариши лозим бўлган иши учун жавобгарлиги тўғрисида йўл-йўриқ олиши керак.

#### **5-боб. Якуний қоидалар**

14. Ҳар бир солиқ маслаҳатчиси солиқ маслаҳатчилари ишининг сифатини ички назоратини ташкил қилиш билан танишган бўлиши шарт.

15. Солиқ маслаҳатчиси ишни сифатсиз бажарганлиги, тижорат сирини ошкор этганлиги натижасида етказилган зиён ва солиқ маслаҳатчилари ташкилоти зарар кўришига олиб келган бошқа хатти-ҳаракатлари учун қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ маслаҳатчилари ташкилоти олдида жавобгар бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**1105** Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги  
Академиясининг касбий тайёргарлик факультетига  
қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил  
27 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2941*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги ПҚ–3216-сон «Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг касбий тайёргарлик факультетига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**П. БОБОЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 23 сентябрь,  
207-сон

Ўзбекистон Республикаси  
ички ишлар вазирининг 2017 йил  
23 сентябрдаги 207-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги  
Академиясининг касбий тайёргарлик факультетига  
қабул қилиш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги ПҚ–3216-сон «Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси (бундан буён матнда Академия деб

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 27 октябрда эълон қилинган.

юритилади) касбий тайёргарлик факультетига (бундан буён матнда Факультет деб юритилади) ўқишга қабул қилиш тартибини белгилайди.

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Факультетга Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган, Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонуни талабларига жавоб берадиган, ёши ўн саккиздан кичик ва ўттиздан катта бўлмаган, ўрта махсус, касб-хунар ва олий маълумотга эга бўлган, ҳарбий хизматни ўтаган (эркаклар учун), соғлигининг ҳолатига кўра ва жисмоний тайёргарлиги бўйича ички ишлар органларида хизмат қилишга яроқли деб топилган, дастлабки ва махсус-профессионал танловдан муваффақиятли ўтган шахслар ҳамда ички ишлар органларининг ходимлари ва ҳарбий хизматчилари қабул қилинади.

2. Факультетда ўқиш муддати ички ишлар органларининг офицерлар таркиби ходимларини махсус касбий тайёрлаш йўналишида 6 ой, ички ишлар органларининг сержантлар таркиби ходимларини махсус касбий тайёрлаш йўналишида 5 ойни ташкил қилади.

3. Факультетнинг «Профилактика фаолияти» таълим мутахассислигида фақат ички ишлар органларининг офицерлар таркиби ходимларини махсус касбий тайёрлаш йўналиши бўйича ўқитилади.

4. Факультетга ўқишга қабул қилиш ички ишлар вазири томонидан тасдиқланган қабул квоталари асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан Факультетдаги таълим мутахассисликлари рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

5. Факультетнинг ички ишлар органларининг офицерлар таркиби ходимларини махсус касбий тайёрлаш йўналишида олий маълумотга эга бўлган шахслар танловда иштирок этади.

6. Факультетнинг ички ишлар органларининг сержантлар таркиби ходимларини махсус касбий тайёрлаш йўналишида ўрта махсус, касбий ёки олий маълумотга эга бўлган шахслар танловда иштирок этади.

7. Офицерлар таркиби лавозимлари учун қабул эълон қилинган таълим мутахассисликларига таълим йўналиши ёки мутахассислиги мос келмаган олий маълумотли шахслар сержантлар таркиби ходимларини махсус касбий тайёрлаш йўналишига ўқишга кириш учун танловда иштирок этади.

8. Факультетда ўқишга муносиб номзодларни танлаб олиш учун мунтазам равишда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилади, таълим муассасаларида, ҳарбий қисмлар, аҳоли турар жойларида, ташкилот ва муассасаларда учрашувлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг таълим муассасаларида очиқ эшиклар куни ўтказилади.

9. Факультетга ўқишга қабул қилиш учун Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг буйруғи билан танлов эълон қилинади. Танловларни ўтказиш муддатлари ва қабул қилиш шартлари оммавий ахборот воситалари, шунингдек Академиянинг расмий веб-сайти орқали кенг ёритилади.

10. Танлов шартларида Факультетга қабул эълон қилинган таълим мутахассисликларига мувофиқ келадиган таълим йўналишлари ёки мутахассисликлари бўйича маълумотлар кўрсатилади.

11. Факультетга тингловчиларни қабул қилиш босқичма-босқич дастлабки танлов ҳамда махсус-профессионал танлов асосида амалга оширилади:

12. Дастлабки танловда қуйидаги тадбирлар ўтказилади:

хужжатларни тўплаш ва ўрганиш;

дастлабки якка тартибдаги суҳбат;

умумжисмоний тайёргарликни баҳолаш;

тиббий кўрикдан ўтказиш.

Ички ишлар органларининг ходимлари ва ҳарбий хизматчилари дастлабки танловнинг хужжатларни тўплаш ва ўрганиш ҳамда тиббий кўрикдан ўтказиш тадбирларида иштирок этади.

13. Махсус-профессионал танлов Академияда ўтказилади, танлов давомида қуйидаги тадбирлар ўтказилади:

хужжатларни ўрганиш;

тиббий кўрикдан ўтказиш;

ички ишлар органларида хизматга касбий-психологик лаёқатини баҳолаш;

якка тартибдаги якуний суҳбат.

14. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бош бошқарма, бошқарма, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари (бундан буён матнда ИИВ-ИИББ-ИИБ деб юритилади) бошлиқларининг буйруғи билан Факультетга қабул қилиш бўйича тарғибот ва дастлабки танлов тадбирларини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш учун ишчи гуруҳ тузилади. Ишчи гуруҳ ўз фаолиятини қабул йилининг январь оyi биринчи иш кунидан октябрь оyi биринчи иш кунига қадар олиб боради.

15. Факультетга ўқишга қабул қилишни сифатли ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг буйруғи билан қабул комиссияси (бундан буён матнда қабул комиссияси деб юритилади) тузилади ҳамда унинг таркибидаги кичик комиссиялар таркиби тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ўринбосари — Кадрлар бош бошқармаси бошлиғи Қабул комиссиясининг раиси, Ички ишлар вазирлиги Кадрлар бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари ва Академия бошлиғи Қабул комиссияси раисининг ўринбосарлари этиб тайинланади.

16. Қабул комиссияси ўз фаолиятини қабул йилининг 15 апрель кунидан 15 октябрь кунига қадар Академияда олиб боради. Бунда Академия бошлиғи — Қабул комиссияси раисининг ўринбосари Қабул комиссиясининг ишлаши учун зарур шарт-шароитлар яратади ва кичик комиссиялар ишини ташкиллаштиради ҳамда вазифаларини белгилайди.

17. Қабул комиссияси таркибига Ички ишлар вазирлиги соҳавий хизматларининг ва Академиянинг ходимлари киритилади.

Қабул комиссияси таркибига республиканинг турдош олий таълим муас-

сасалари профессор-ўқитувчилари келишув асосида жалб қилиниши мумкин.

18. Қабул комиссияси таркибида қуйидаги кичик комиссиялар тузилади: номзодларнинг ҳужжатларини ўрганиш бўйича кичик комиссия; ички ишлар органларида хизматга касбий-психологик лаёқатни баҳолаш бўйича кичик комиссия.

Қабул комиссиясига юклатилган барча вазифаларнинг сифатли бажарилишини таъминлаш бўйича жавобгарлик қабул комиссиясининг раиси, унинг ўринбосарлари, кичик комиссия раислари ва қабул комиссиясининг масъул котиби зиммасига юклатилади.

19. Ишчи гуруҳлари ва қабул комиссиясининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш учун Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг буйруғи билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Кадрлар бош бошқармасида ишчи гуруҳ тузилади.

## **2-боб. Факультетга қабул қилиш бўйича тарғибот**

20. Факультетга қабул қилиш бўйича тарғиботнинг асосий мақсади ёшларга ички ишлар органларида хизмат қилишнинг моҳиятини ва унга қўйиладиган талабларни очиб бериш ҳисобланади. Факультетга қабул қилиш бўйича тарғибот доирасида ёшларга касбга доир маслаҳатлар берилади, номзодларнинг шахсий фазилатлари, қизиқишлари ва қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда ички ишлар органларида муайян йўналишлар бўйича хизмат қилишни танлашда бевосита ёрдам кўрсатилади.

21. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Кадрлар бош бошқармаси томонидан тарғибот бўйича ишларнинг ташкил этилиши ва ўтказилиши, Интернет тармоғида Академиянинг веб-сайтларида уларнинг фаолиятини акс эттирувчи материаллар вақти-вақти билан янгиланиб турилишини назорат қилиб борилади.

22. Факультетга қабул қилиш бўйича тарғибот ишларини ўтказишда Академия зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилади:

Факультетдаги ҳаёт ва ўқишнинг ўзига хослиги тўғрисидаги плакатлар, буклетлар, видеороликлар шаклидаги ахборот материалларини ИИВ-ИИББ-ИИБларга тарқатиш;

умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академик лицейлари ўқувчилари учун очиқ эшиклар кунлари ўтказиш.

23. Факультетга қабул қилиш бўйича тарғибот ишларини ўтказишда ИИВ-ИИББ-ИИБлар зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилади:

ички ишлар органларининг фаолияти, Факультетдаги ўқув-тарбиявий жараён тўғрисидаги видеороликлар намойиш қилиш, шунингдек фахрийлар ва Академиянинг вакиллари билан мунтазам учрашувларни ташкил этиш;

ёшлар билан ички ишлар органларидаги хизмат тўғрисида давра суҳбатлари ташкил этиш ҳамда яқка тартибда тушунтириш ишларини олиб бориш;

Академия билан мустақкам алоқалар ташкил этиш ва боғлаш.

### **3-боб. Дастлабки танлов тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш**

24. Дастлабки танловнинг асосий мақсади Факультетга ўқишга кириш истагини билдирган номзодларнинг келгусида ички ишлар органларида хизмат қилиши учун соғлиғи ва руҳий мослиғи, барқарор ички эътиқоди, маънавий-ахлоқий фазилатларини аниқлаш ҳисобланади.

25. Факультетга ўқишга кириш учун аризалар (билдиргилар) қабул йилининг 15 февралидан 15 апрелига қадар қабул қилинади.

26. Факультетга ўқишга киришни хоҳлаган фуқаролар ўзларининг яшаш жойидаги ички ишлар органига мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклдаги ариза билан, ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчилари хизмат ўташ жойи бўйича раҳбар номига мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклдаги билдирги билан мурожаат қилади.

27. Аризага қўйидагилар илова қилинади:

паспорт нусхаси;

туғилганлик ҳақида гувоҳнома нусхаси. Туғилганлик ҳақида гувоҳнома алмаштирилган ёхуд фамилияси, исми, ота исми ва бошқа маълумотлар ўзгартирилган бўлса, бу ҳақда ФХДЁ органининг маълумотномаси;

яқин қариндошларининг паспорти, туғилганлик ҳақида гувоҳномаси, никоҳ тузилганлиги ҳақида гувоҳномаси, никоҳдан ажралганлик ҳақида гувоҳномаси, вафот этганлар бўлса, уларнинг ўлим ҳақида гувоҳномаси нусхалари;

3 x 4 сантиметр ўлчамдаги 6 та фотосурат (бош кийимсиз) ҳамда 9 x 12 сантиметр ўлчамдаги 2 та фотосурат (бош кийимсиз);

номзод томонидан қўлда ва компьютерда ёзилган таржимаи ҳол;

анкета;

ўқиш, иш (агар ўқиётган ёки ишлаётган бўлса) ва ўзини-ўзи бошқариш органларидан тавсифнома ҳамда маълумотнома (яшаш жойидан берилган маълумотномада номзоднинг оила аъзолари кўрсатилади);

маълумоти тўғрисидаги (ўрта махсус, касб-хунар, олий) ҳужжатлар нусхаси ҳамда баҳолар кўрсатилган иловаси нусхаси;

ҳарбий гувоҳномаси нусхаси;

меҳнат дафтарчаси нусхаси (агар мавжуд бўлса).

Аризани қабул қилган ички ишлар органи ходими мазкур бандда кўрсатилган ҳужжатларнинг аслини текшириб олади.

28. Ички ишлар органи ходимларининг билдиргисига қўйидагилар илова қилинади:

яқин қариндошларининг паспорти, туғилганлик ҳақида гувоҳномаси, вафот этганлар бўлса, уларнинг ўлим ҳақида гувоҳнома нусхалари;

3 x 4 сантиметр ўлчамдаги 6 та фотосурат (бош кийимсиз) ҳамда 9 x 12 сантиметр ўлчамдаги 2 та фотосурат (бош кийимсиз).

29. Факультетга ўқишга кириш истагини билдирган номзодлар томони-

дан тақдим этилган ҳужжатларни ўрганишда қуйидагилар бирламчи вазифа ҳисобланади:

тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиш, номзод тўғрисидаги маълумотларни режали жамлаш ва тизимлаштириш;

номзоднинг ижтимоий фаоллиги ва маънавий-ахлоқий фазилатларини аниқлаш.

30. Дастлабки якка тартибдаги суҳбат фуқаролар ИИВ-ИИББ-ИИБ кадрлар бошқармалари бошлиқлари томонидан якка тартибда ўтказилади. Дастлабки якка тартибдаги суҳбат номзод ариза (билдирги) билан мурожаат қилган кундан бошлаб 10 кун ичида ўтказилади. Суҳбат натижаси бўйича мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда якка тартибдаги суҳбат варақаси тўлдирилади.

31. Дастлабки якка тартибдаги суҳбатда номзодга қуйидагилар тушунтирилади:

мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг моҳияти ва аҳамияти, номзоднинг давлатни ҳимоя қилиш бўйича конституциявий мажбуриятлари;

юқори даражадаги ҳушёрлик ҳамда ёт мафкурага ва ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасиз туришнинг аҳамияти;

бурчни ҳис этиш, қатъиятлилиқ, ишчанлилиқ ва меҳнатсеварлик ҳислатларига эга бўлиш;

ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби ва моддий таъминоти.

32. Дастлабки якка тартибдаги суҳбат ўтказилгандан кейин 15 кун ичида ИИВ-ИИББ-ИИБ ишчи гуруҳи таркибига киритилган мутахассислар томонидан мазкур Низомнинг 4-иловасида келтирилган методикага мувофиқ номзодларнинг умумжисмоний тайёргарлиги баҳоланади. Умумжисмоний тайёргарлик бўйича синовлардан муваффақиятли ўтган номзодларга тиббий кўрикдан ўтиш учун йўлланма берилади.

Умумжисмоний тайёргарлик бўйича синовлардан ўтолмаган номзодлар дастлабки танловнинг кейинги тадбирларига қўйилмайди. Бунда номзоднинг ҳужжатларини тўплаш ва ўрганиш ишлари тўхтатилади.

33. Номзодларни тиббий кўрикдан ўтказиш Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 февралдаги 95-сон қарори билан тасдиқланган Тинч ва ҳарбий даврда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомга мувофиқ ИИВ-ИИББ-ИИБ Тиббиёт хизмати томонидан амалга оширилади.

Тиббий кўрикдан ўтказиш натижалари бўйича номзоднинг соғлиғига кўра ички ишлар органларида хизмат қилишга яроқлилиги тўғрисида хулоса чиқарилади.

Соғлиғининг ҳолатига кўра ички ишлар органларида хизмат қилишга яроқсиз деб топилган номзодлар махсус-профессионал танлов тадбирларига қўйилмайди.

34. Номзодларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш жараёнида ички ишлар органларида хизмат қилишга тўсқинлик қилувчи салбий маълумотлар аниқланганда ёки соғлиғининг ҳолати бўйича хизматга яроқсиз деб то-



пилган тақдирда ҳужжатларини расмийлаштирилиши тўхтатилиб, уларни ички ишлар органларига қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилинади ва бу ҳақида номзодга ёзма хабар қилинади.

35. Дастлабки танлов тадбирларидан муваффақиятли ўтган ҳамда шахсий ҳужжатлари йиғмажилди ўрнатилган тартибда тўлиқ расмийлаштирилган номзодларни махсус-профессионал танлов тадбирларида иштирок этишга юбориш тўғрисида ИИВ-ИИББ-ИИБ томонидан мазкур Низомнинг 5-илова-сига мувофиқ шаклда хулоса қабул қилинади.

36. Номзодларнинг шахсий ҳужжатлари йиғмажилдлари ИИВ-ИИББ-ИИБлар томонидан қабул йилининг 15 август кунига қадар Академияга юборилади.

#### **4-боб. Махсус-профессионал танлов**

37. Номзодларнинг интеллектуал салоҳияти, маънавий-ахлоқий савиясини, умумий дунёқарашини, ўз нуқтаи назарини асослаб бериш қобилиятини ҳамда ички ишлар органларининг ўзига хос касбий фаолиятига қўйиладиган талабларга мувофиқлигини аниқлаш махсус-профессионал танловнинг асосий мақсади ҳисобланади.

38. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Кадрлар Бош бошқармасида ташкил этилган ишчи гуруҳи томонидан ҳар йили 5 сентябрга қадар қабул комиссияси билан келишилган ҳолда махсус-профессионал танлов тадбирларини ўтказиш муддатлари белгиланган режа-жадвал ишлаб чиқилиб, ИИВ-ИИББ-ИИБга юборилади.

ИИВ-ИИББ-ИИБ ишчи гуруҳлари режа-жадвалга мувофиқ номзодларни махсус-профессионал танлов тадбирларини ўтказиш муддатлари билан таништиради, уларнинг белгиланган муддатларда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясига шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан тўлиқ ҳолда етиб келишларини таъминлайди.

39. Махсус-профессионал танлов тадбирларини ўтказиш давомида номзодлар турар жой ва озиқ-овқат билан таъминланмайди.

40. Қабул комиссия таркибидаги номзодларнинг ҳужжатларини ўрганиш бўйича кичик комиссия тақдим этилган шахсий ҳужжатлар йиғмажилдларини рўйхатга олади ҳамда уларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини текширади.

41. Тиббий кўриқдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг буйруғи билан тасдиқланадиган, тиббиёт мутахассисларидан махсус шакллантириладиган ҳарбий-тиббий комиссия томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 февралдаги 95-сон қарори билан тасдиқланган Тинч ва ҳарбий даврда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низомга мувофиқ ўтказилади.

Тиббий кўриқдан ўтказиш натижалари бўйича соғлиғига кўра номзоднинг ички ишлар органларида хизмат қилишга яроқлилиги тўғрисида хулоса чиқарилади. Соғлиғининг ҳолатига кўра ишлар органларида хизмат қилишга

яроқсиз деб ҳисобланган номзодлар махсус-профессional танловнинг кейинги тадбирларига қўйилмайди.

42. Номзодларнинг ички ишлар органларида хизматга касбий-психологик лаёқатини баҳолаш мазкур Низомнинг 6-иловасида келтирилган методикага мувофиқ қабул комиссияси таркибидаги кичик комиссия томонидан ўтказилади.

43. Якка тартибдаги якуний суҳбат коллегиял принцип бўйича мазкур Низомнинг 7-иловасида келтирилган методика асосида қабул комиссияси томонидан ўтказилади.

44. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академик лицейларининг битирувчилари бўлган номзодларга ички ишлар органларида хизматга касбий-психологик лаёқатини баҳолаш ва якка тартибдаги якуний суҳбатда тўплаган умумий балларининг 20 фоизи миқдорида имтиёз балли қўшиб берилади.

### **5-боб. Ўқишга қабул қилиш тартиби**

45. Махсус-профессional танлов тадбирлари якунида Қабул комиссияси номзодларни ўқишга қабул қилиш масаласини кўриб чиқади ҳамда ўтказилган ички ишлар органларида хизматга касбий-психологик лаёқатини баҳолаш ва якка тартибдаги якуний суҳбат натижаларининг умумий йиғиндига кўра ҳудудий қабул квоталари (ўринлар) бўйича номзодни Факультетга ўқишга қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Факультетга ўқишга қабул қилинган номзодлар рўйхати Академиянинг қабул йиғини ўтказиладиган жойга осиб қўйилади.

46. Қабул комиссиясининг қарори мазкур Низомнинг 8-иловасида кўрсатилган шаклдаги баённома билан расмийлаштирилади. Мазкур баённома номзодларни Факультетга ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқларни расмийлаштириш учун асос ҳисобланади.

47. Факультетга ўқишга қабул қилинган ички ишлар органлари ҳарбий хизматчилари ва ходимларига ўз хизмат ўташ жойларига тақдим этиш учун уларнинг ўқишга қабул қилинганлиги бўйича буйруқдан кўчирма берилади.

48. Махсус-профессional танловга белгиланган муддатда етиб келмаган номзодлар учун қўшимча равишда тадбирлар ўтказилмайди.

49. Ички ишлар органларида хизматга касбий-психологик лаёқатни баҳолаш ва якка тартибдаги якуний суҳбат натижаларига кўра икки ёки ундан ортиқ номзодларнинг тўплаган умумий баллари тенг бўлиб қолган тақдирда уларнинг барчаси ўқишга қабул қилинади.

50. Махсус профессионал танлов бошланишидан олдин ички ишлар органларида хизматга касбий-психологик лаёқатни баҳолаш ва якка тартибдаги якуний суҳбат натижалари юзасидан номзодларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг буйруғига асосан Апелляция комиссияси ташкил этилади.

51. Апелляция комиссиясига номзодлар томонидан ариза ва шикоятлар қабул комиссияси йиғилишининг ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги баённо-

маси эълон қилинган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида берилиши мумкин.

Апелляция комиссияси такдим этилган ариза ва шикоятларни улар келиб тушган кундан бошлаб уч иш кунидан ошмаган муддатда мурожаат қилган номзод иштирокида кўриб чиқади. Апелляция комиссияси қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

### 6-боб. Яқуний қоидалар

52. Номзодлар белгиланган қоидаларга ва хизмат интизомига риоя қилмаган тақдирда Қабул комиссияси қарори асосида танловнинг исталган босқичида ундан четлатилиши мумкин.

53. Факультетга ўқишга кира олмаган номзодларнинг шахсий ҳужжатлари йигма жилдлари махсус-профессионал танлов натижалари эълон қилинган кундан эътиборан 10 кун ичида тегишли ИИВ-ИИББ-ИИБга қайтариб юборилади.

54. Номзодларни ўқишга қабул қилиш учун асос бўлган ҳужжатлар Академияда сақланади.

Ўзбекистон Республикаси  
Ички ишлар вазирлиги Академияси касбий  
тайёргарлик факультетига қабул қилиш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

\_\_\_\_\_га  
(ички ишлар органи бошлигининг Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_да  
(номзоднинг яшаш жойи)

яшовчи \_\_\_\_\_ дан  
(номзоднинг Ф.И.О.)

### АРИЗА

Менга Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси касбий тайёргарлик факультетининг \_\_\_\_\_  
(махсус касбий тайёрлаш йўналиши номи)

йўналишининг \_\_\_\_\_ мутахассислиги  
(таълим мутахассислигининг номи)

бўйича ўқишга кириш учун ҳужжатларимни расмийлаштиришга рухсат беришингизни сўрайман.

Хизмат заруратига кўра лозим топилган ҳудудда хизмат қилишга тайёрман. Хизмат бўйича менга маълум бўлган давлат, ҳарбий ва хизматга оид маълумотларни сир сақлашга ваъда бераман.

Оиламда ўзгаришлар бўлганда ҳамда яқин қариндошларимдан бирортаси жиноий жавобгарликка тортилган тақдирда белгиланган муддатда бошлиқларимга ва кадрлар бошқармасига ёзма равишда хабар бераман.

\_\_\_\_\_

(имзо)

\_\_\_\_\_

(Ф.И.О.)

20\_\_ йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_

Ўзбекистон Республикаси  
Ички ишлар вазирлиги Академияси касбий  
тайёргарлик факультетига қабул қилиш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

\_\_\_\_\_ га

(ички ишлар органи бошлигининг Ф.И.О.)

### БИЛДИРГИ

Менга Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси касбий тайёргарлик факультетининг \_\_\_\_\_

(махсус касбий тайёрлаш йўналиши номи)

йўналишининг \_\_\_\_\_ мутахассислиги

таълим мутахассислигининг номи)

бўйича ўқишга кириш учун ҳужжатларимни расмийлаштиришга рухсат беришингизни сўрайман.

\_\_\_\_\_

(имзо)

\_\_\_\_\_

(номзоднинг Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_

(имзо)

\_\_\_\_\_

(ички ишлар органи ходими лавозими, унвони ва Ф.И.О.)

20\_\_ йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_

Ўзбекистон Республикаси  
Ички ишлар вазирлиги Академияси касбий  
тайёргарлик факультетига қабул қилиш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
3-ИЛОВА

### Якка тартибдаги суҳбат ВАРАҚАСИ

Номзоднинг Ф.И.О.: \_\_\_\_\_

Номзоднинг оилавий аҳволи: \_\_\_\_\_

Номзоднинг ота-онаси, яқин қариндошларининг ички ишлар органлари-  
даги хизматга муносабати: \_\_\_\_\_

Номзоднинг ички ишлар органларидаги хизматни танлашининг сабаб-  
лари ва асослари: \_\_\_\_\_

Номзод хақидаги қўшимча маълумотлар: \_\_\_\_\_

Номзодга ички ишлар органларининг фаолияти, Ўзбекистон Республи-  
каси Ички ишлар вазирлиги Академияси касбий тайёргарлик факультетига  
ўқишга қабул қилиш тартиби ва ундаги ўқув-тарбиявий жараёни тўғрисида  
батафсил тушунтирилди.

\_\_\_\_\_ (якка тартибдаги суҳбат ўтказган шахснинг  
унвони, лавозими ва Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_ (имзо)

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

Ўзбекистон Республикаси  
Ички ишлар вазирлиги Академияси касбий  
тайёргарлик факультетига қабул қилиш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
4-ИЛОВА

## Умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш МЕТОДИКАСИ

### 1-§. Умумий қоидалар

1. Номзодларнинг умумжисмоний тайёргарлиги даражаси уларнинг мазкур Методикада назарда тутилган тегишли машқларни бажаришини текшириш орқали баҳоланади.

2. Номзодларга дастлаб машқларни бажаришга қўйиладиган талаблар ва мезонлар ҳамда машқларни бажариш тартиби ИИВ-ИИББ-ИИБ ишчи гуруҳи таркибига киритилган мутахассислар томонидан тушунтирилади.

3. Номзодлар умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тадбирларига спорт кийимида келиши лозим.

4. Номзод йигитлар қуйидаги машқларни бажаради:

тўсинда тортилиш;

100 метрга югуриш;

3000 метрга югуриш.

5. Номзод қизлар қуйидаги машқларни бажаради:

куч ишлатиш машқлари комплекси;

100 метрга югуриш;

1000 метрга югуриш.

6. Қиш мавсумида номзодларнинг умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тадбирлари зарур даражада жиҳозланган ёпиқ жойларда (заллар, майдончалар ва ҳ. к.) ўтказилади, қиш мавсумида об-ҳаво қулай бўлган ҳоллар бундан мустасно. Бундай ҳолларда барча номзодлар 100 метрга югуриш машқи ўрнига 10 x 10 метрга моккисимон югуриш машқини, номзод йигитлар 3000 метрга югуриш машқи ўрнига 1000 метрга югуриш машқини, номзод қизлар 1000 метрга югуриш машқи ўрнига 400 метрга югуриш машқини бажаради.

7. Машқлар оралиғида номзодларга дам олиш учун камида 10 дақиқа вақт берилади.

8. Белгиланган машқларни узрсиз сабабларга кўра топширмаган номзодлар қониқарсиз баҳоланади.

9. Умумжисмоний тайёргарлик даражаси биринчи марта қониқарсиз баҳоланган номзодларга бошқа куни ўтказиладиган умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тадбирларида машқларни яна бир марта қайта топширишга рухсат берилади.

## 2-§. Машқларни бажаришга қўйиладиган талаблар ва мезонлар

10. Турникда тортилиш машқини бажаришда:

бош бармоқ поя ичкарасидан ушланади, тана бироз ростланади, тизза бўғими тўғирланади, оёқ учлари чўзилади, товонлар бирлаштирилади; ияк турник поясидан ўтгунга қадар қўллар букилади; ҳаракат тўлиқ амалга оширилиши билан дастлабки ҳолатга қайтилади (осилиш ҳолати 1-2 сония давом этади).

Ушбу машқни бажаришда оёқларни букиш ва кериш, танани ҳаракатсиз ҳолатда эгиш ҳамда оёқлар билан силтанма ҳаракатлар қилиш тақиқланади.

Турникда камида 7 марта тортилган номзод ушбу синовдан «ўтди» деб ҳисобланади.

11. 100 метрга югуриш машқи:

юқори ёки қўйи стартдан амалга оширилади;

стадионнинг югуриш йўлакчаси ёки қаттиқ қопламли текис жойларда ўтказилади.

100 метрга югуриш машқини номзод йигитлар 15,0 сония ичида, номзод қизлар эса 17,3 сония ичида бажарган тақдирда улар ушбу синовдан «ўтди» деб ҳисобланади.

12. 10 x 10 метрга моккисимон югуриш машқи старт ва 10 метрдан кейин қайтиш чизиқлари билан белгиланган текис ва қаттиқ жойларда ўтказилади.

10 x 10 метрга моккисимон югуриш машқини номзод йигитлар 33,0 сония ичида, номзод қизлар эса 55,0 сония ичида бажарган тақдирда улар ушбу синовдан «ўтди» деб ҳисобланади.

13. 3000 (1000, 400) метрга югуриш машқлари стадионнинг югуриш йўлакчалари ёки текис жойларда, умумий ёки алоҳида старт берилган ҳолда ўтказилади. Старт ва марра чизиқлари бир жойда белгиланиши мумкин.

3000 метрга югуриш машқини номзод йигитлар 14,25 дақиқа ичида бажарган тақдирда улар ушбу синовдан «ўтди» деб ҳисобланади.

1000 метрга югуриш машқини номзод йигитлар 4,30 дақиқада ичида, номзод қизлар эса 5,00 дақиқа ичида бажарган тақдирда улар ушбу синовдан «ўтди» деб ҳисобланади.

400 метрга югуриш машқини номзод қизлар 2,00 дақиқа ичида бажарган тақдирда улар ушбу синовдан «ўтди» деб ҳисобланади.

14. Куч ишлатиш машқлари комплексини бажаришда бир дақиқада иккита машқ узлуксиз бажарилади.

Ҳар бир машқни бажариш учун 30 сония вақт ажратилади.

15. Биринчи машқни бажаришда:

чалқанча ётилади;

қўллар белда, тиззалар букилмаган ҳолда оёқлар тўпиқ қисмидан бошқа одам ёрдамида ушланади;

дастлабки ҳолатдан гавда олдинга кўтарилиб, қўллар оёқ учига теккандан сўнг, дастлабки ҳолатга қайтилади.

Ушбу машқни бажариш вақтида тиззаларни букиш ва шерик томонидан оёқларни қўйиб юбориш тақиқланади.

16. Биринчи машқ учун ажратилган 30 сония вақт тугаганлиги эълон қилингандан сўнг, дарҳол иккинчи машқни бажаришга киришилади.

17. Иккинчи машқни бажаришда:

таяниб ётилади, қўллар елка кенглигида тиззалар букилмаган ҳолатда бўлади;

қўллар букилиб ёзилади (бунда бел ҳамда елка қисмлари биргаликда ва текис тушиб чиқиши шарт);

қўллар букилиб тана ерга нисбатан параллел ҳолатга келтирилгандан сўнг, дастлабки ҳолатга қайтилади.

Ушбу машқни бажариш вақтида қўллар чала букилиб ёзилиши, бел ва елкалар ҳар хил тушиб чиқиши, тиззаларнинг ерга тегиши тақиқланади.

Куч ишлатиш машқлари комплексини номзод қизлар камида (умумий ҳисобда) 26 марта бажарган тақдирда улар ушбу синовдан «ўтди» деб ҳисобланади.

18. Номзодлар белгиланган умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тадбирларининг камида иккитасини бажарган тақдирда умумжисмоний тайёргарлик синовларидан «ўтди» деб ҳисобланади.

19. Умумжисмоний тайёргарлик синовларини топширган ҳар бир номзод учун мазкур Методиканинг иловасига мувофиқ шаклда қайднома расмийлаштирилади.

20. Қайднома Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бош бошқарма, бошқарма, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари ишчи гуруҳи раиси ва ишчи гуруҳ таркибига киритилган мутахассислар томонидан имзоланади. Қайднома номзоднинг шахсий ҳужжатлари йиғмажилдига тикиб қўйилади.



Умумжисмоний тайёргарлик  
даражасини баҳолаш методикасига  
ИЛОВА

**Умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш  
ҚАЙДНОМАСИ**

Номзод \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О.)

Топшириш жойи: \_\_\_\_\_

Топшириш санаси: 20\_\_ йил \_\_\_\_ .

Натижалар:

Т/р	Машқларнинг номи	Натижа	Баҳо
1.	Тўсинда тортилиш		
2.	Куч ишлатиш машқлари комплекси		
3.	100 метрга югуриш		
4.	10 x 10 метрга моккисимон югуриш		
5.	3000 метрга югуриш		
6.	1000 метрга югуриш		
7.	400 метрга югуриш		

Хулоса: \_\_\_\_\_

**ИИВ-ИИББ-ИИБ**

ишчи гуруҳи раиси:

\_\_\_\_\_

(имзо)

\_\_\_\_\_

(унвони ва Ф.И.О.)

**ИИВ-ИИББ-ИИБ**

ишчи гуруҳи аъзолари:

\_\_\_\_\_

(имзо)

\_\_\_\_\_

(унвони ва Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_

(имзо)

\_\_\_\_\_

(унвони ва Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_

(имзо)

\_\_\_\_\_

(унвони ва Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_

(имзо)

\_\_\_\_\_

(унвони ва Ф.И.О.)

Ўзбекистон Республикаси  
Ички ишлар вазирлиги Академияси касбий  
тайёргарлик факультетига қабул қилиш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
5-ИЛОВА

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**

(ички ишлар органи бошлигининг  
унвони, Ф.И.О. ва имзоси)

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

**Номзодни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар  
вазирлиги Академияси касбий тайёргарлик факультетига  
махсус-профессионал танлов тадбирларида иштирок этиш  
учун юбориш тўғрисида  
ХУЛОСА**

**НИ**

(номзоднинг Ф.И.О., ҳарбий хизматчилар ва ходимлар учун — махсус ёки  
ҳарбий унвони, лавозими)

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси касбий  
тайёргарлик факультетига махсус-профессионал танлов тадбирларида иш-  
тирок этиш учун юбориш тўғрисида.

1. Номзодни дастлабки ўрганиш натижалари:

\_\_\_\_\_

2. Махсус текшириш натижалари:

\_\_\_\_\_

3. Ҳарбий-тиббий комиссия хулосаси:

\_\_\_\_\_

4. Номзодни ўрганиш натижалари бўйича хулоса:

\_\_\_\_\_

(масъул шахснинг лавозими ва унвони)

(Ф.И.О.)

(масъул шахснинг лавозими ва унвони)

(Ф.И.О.)

(масъул шахснинг лавозими ва унвони)

(Ф.И.О.)

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

Ўзбекистон Республикаси  
Ички ишлар вазирлиги Академияси Касбий  
тайёргарлик факультетига қабул қилиш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
6-ИЛОВА

**Ички ишлар органларида хизматга касбий-  
психологик лаёқатни баҳолаш  
МЕТОДИКАСИ**

**1-§. Умумий қоидалар**

1. Номзоднинг ички ишлар органларида хизматга касбий-психологик лаёқатини баҳолаш унинг ақлий салоҳиятининг ривожланганлик даражаси, мантиқан фикрлаши, таҳлил қила олиш қобилияти ва кузатувчанлик каби хусусиятларининг ривожланганлик даражасини аниқлаш мақсадида ўтказилади ҳамда унга тест топшириқлари (бундан буён матнда тест синови деб юритилади) бериш орқали аниқланади.

2. Тест синови қуйидаги тест топшириқларидан иборат:

«Шахс интеллектуал хусусиятларининг савияси»га оид алоҳида ақлий салоҳиятнинг ривожланганлик даражасини, мантиқан фикрлаши, таҳлил қила олиши, тўғри қарор қабул қила олиши, бўлғуси касбий фаолияти ва самарали касбий тайёргарлигини белгиловчи фикрлашининг бошқа шаклларини аниқлаш имконини берадиган 30 та топшириқ;

«Кузатувчанлик ва эътиборлигига хос хусусиятлар»га оид номзоднинг руҳий ва касбий кузатувчанлик, эътиборлиги каби касб учун аҳамиятли хислатларнинг ривожланганлик даражасини аниқлаш имконини берадиган 20 та топшириқ.

3. Тест синови учун тест топшириқлари сержантлар таркиби ва офицерлар таркиби ходимларини махсус касбий тайёрлаш йўналишлари учун касбга қўйиладиган талаблардан келиб чиқиб алоҳида ишлаб чиқилади.

4. Тест синови ўтказиладиган куни номзодларда фуқаролик паспорти ёки хизмат гувоҳномаси бўлиши шарт, уларга асосан номзодларга қабул синовларида иштирок этиш ҳуқуқини берувчи шифрли карточка берилади.

5. Тест топшириқлари, уларнинг жавоблари қабул комиссияси таркибидаги тегишли кичик комиссияси томонидан ишлаб чиқилади, қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланади ва тегишли компьютерлар дастурига киритилади.

6. Тест топшириқлари ва уларнинг жавоблари ошкор қилинмаслиги учун кичик комиссия раиси жавобгар ҳисобланади.

**2-§. Тест синовини ўтказиш ва натижаларини аниқлаш**

7. Тест синови Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ака-

демияси тест марказининг (бундан буён матнда Тест маркази деб юритилади) компьютер синфларида ўтказилади.

8. Номзодлар Тест марказига белгиланган гуруҳлар таркибида келади, рўйхат бўйича киритилади ҳамда қўйилган рақамли карточкалардан бирини ихтиёрий равишда танлайди. Танланган карточкада акс этган рақам гуруҳ рўйхатида уни танлаган номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми тўғрисида қайд этиб қўйилади. Сўнгра номзод тест синови ўтказиладиган компьютер синфига кириб, компьютерлардан бирининг қаршисида ўтиради.

9. Тест синови бошланишидан олдин 10 дақиқа давомида номзодларга тест топшириқларини компьютерда махсус тест дастури асосида ечиш, тест синовини ўтказиш ва натижаларини аниқлаш тартиби тушунтирилади ва тегишли йўл-йўриқлар берилади ҳамда номзодлар ўзи танлаган рақамни ушбу компьютердаги махсус тест дастурига киритади.

Бу вақт тест топшириқларини бажариш учун ажратилган вақтга кирмайди.

10. Тест синовини топшириш вақтида номзод 50 та тест топшириғини бажаради. Ҳар бир номзод учун компьютер дастурига асосан алоҳида топшириқлар танлаб олинади. Тест синовини топшириш вақти 60 дақиқага тенг.

Номзодларнинг тест синови натижаларини баҳолаш компьютер дастурига киритилган алгоритмга мувофиқ тўғри жавоблар сони ва топшириқларнинг мураккаблик даражасига кўра амалга оширилади.

11. Тест топшириқларини бажариш учун ажратилган вақт доирасида саволларга жавоб беришга улгурмаган номзодга қўшимча вақт ва жавоблари белгиланмаган саволлар учун балл берилмайди. Тест топшириқларини бажарган номзодга компьютер синфидан чиқишга рухсат берилади.

12. Тест синови учун максимал балл 100 баллни ташкил қилиб, унинг натижалари 0 дан 100 баллгача бўлган ораликда баҳоланади.

13. Тест синови бошлангандан кейин ҳеч ким аудиторияга киритилмайди ва тест топшириқлари бўйича номзодлар билан савол-жавоб қилинмайди.

14. Тест синови ўтказиладиган жойга киришда номзод калькулятор, луғат, жадвал, китоб, уяли телефон, компьютер, телекоммуникация воситалари ва шпаргалкалар олиб киришга ҳаракат қилса ёки олиб кирган бўлса, тест жараёни давомида бошқа номзодга ёрдам берса, номзод тест синовини ўтказиш тартибини бузган ҳисобланади ва тест синовидан четлаштирилади. Бу ҳақда тест синовини ўтказиш бўйича кичик комиссияси томонидан далолатнома расмийлаштирилади.

15. Тест синови натижалари гуруҳлар таркибида мазкур Методиканинг иловасига мувофиқ шаклдаги қайднома билан расмийлаштирилади. Қайднома кичик комиссия раиси ва аъзолари томонидан имзоланади ва қабул комиссияси масъул котибига топширилади.

Ички ишлар органларида хизматга  
касбий-психологик лаёқатни баҳолаш  
методикасига  
ИЛОВА

**Ички ишлар органларида хизматга касбий-  
психологик лаёқатни баҳолаш  
ҚАЙДНОМАСИ**

«\_\_\_\_\_» гуруҳ

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

Т/р	Ф.И.О	Шифрли карточка рақами	Балл

**Кичик комиссияси  
раиси**

\_\_\_\_\_

(имзо)

\_\_\_\_\_

(унвони ва Ф.И.О.)

**Кичик комиссияси  
аъзолари:**

\_\_\_\_\_

(имзо)

\_\_\_\_\_

(унвони ва Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_

(имзо)

\_\_\_\_\_

(унвони ва Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_

(имзо)

\_\_\_\_\_

(унвони ва Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_

(имзо)

\_\_\_\_\_

(унвони ва Ф.И.О.)

Ўзбекистон Республикаси  
Ички ишлар вазирлиги Академияси касбий  
тайёргарлик факультетига қабул қилиш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
7-ИЛОВА

## **Якка тартибдаги якуний суҳбат ўтказиш МЕТОДИКАСИ**

### **1-§. Умумий қоидалар**

1. Якка тартибдаги якуний суҳбат номзодларнинг Ўзбекистон тарихи, юридик фанлар бўйича билимлари ва умумий дунёқарашини баҳолаш мақсадида оғзаки савол-жавоб тарзида ўтказилади.

2. Номзодлар сонидан келиб чиққан ҳолда якка тартибдаги якуний суҳбатни қабул қилиш учун бир ёки бир нечта комиссиялар тузилиши мумкин. Бунда, барча комиссиялар аъзолари сони тенг этиб белгиланади.

3. Якуний суҳбат давомида номзодларга бериладиган саволлар комиссия аъзолари, тарих, юриспруденция соҳасидаги малакали мутахассислар ҳамда психологлар томонидан тузилади ва саволлар бўйича билет вариантлари тайёрланади. Билетлардаги саволларнинг такрорланишига йўл қўйилмайди.

4. Саволлар рўйхати ва билет вариантлари комиссия раиси томонидан тасдиқланади ва комиссия масъул котибининг сейфида сақланади. Масъул котиб саволлар рўйхати ва билет вариантлари ошкор қилинмаслиги учун жавобгар ҳисобланади.

5. Якуний суҳбат куни номзодларда фуқаролик паспорти ёки хизмат гувоҳномаси бўлиши шарт.

### **2-§. Якка тартибдаги якуний суҳбатни ўтказиш**

6. Якка тартибдаги якуний суҳбатда номзод 3 та саволдан иборат билетга жавоб беради.

Ҳар бир билетда:

биринчи саволда — Ўзбекистон тарихи бўйича;

иккинчи саволда — юридик фанлар бўйича;

учинчи саволда — умумий дунёқарашини аниқлаш бўйича масала берилди.

7. Ички ишлар органларининг сержантлар таркиби ходимларини махсус касбий тайёрлаш йўналишига ўқишга кириш учун номзодларга бериладиган саволлар мазмуни таълим мутахассислиги ҳуқуқшунос ва тарих фанларига ихтисослашмаган умумий, ўрта махсус ва касб-хунар таълими учун мўлжалланган ўқув дастурларига мувофиқлаштирилган ҳолда тузилади.

8. Ички ишлар органларининг офицерлар таркиби ходимларини махсус

касбий тайёрлаш йўналишига ўқишга кириш учун номзодларга бериладиган саволлар мазмуни таълим мутахассислиги ҳуқуқшунос ва тарих фанларига ихтисослашмаган таянч олий таълим учун мўлжалланган ўқув дастурларига мувофиқлаштирилган ҳолда тузилади.

9. Номзодларнинг умумий дунёқарашини аниқлаш бўйича тузиладиган саволлар, уларнинг ижтимоий-сиёсий билими ва дунёқараши, республика ва дунёда бўлаётган воқеалардан хабардорлиги, динлар ҳақидаги тушунчаси ва муносабати, ватанпарварлик ҳақидаги тасаввурлари ҳамда ички ишлар органлари фаолияти учун зарур бўлган бошқа муҳим жиҳатларни аниқлашга йўналтирилган бўлади.

10. Номзодлар суҳбатга тасдиқланган рўйхат бўйича кетма-кетликда якка тартибда киритилади ва билетлардан бирини танлайди.

11. Номзодлар билетлардан бирини танлаб олгач, саволларга тайёргарлик кўришлари учун 10 дақиқа вақт берилади. Агарда номзод ушбу вақтдан фойдаланишни лозим деб топмаса, тайёргарлик кўрмасдан жавоб беришига рухсат этилади.

### **3-§. Якка тартибдаги якуний суҳбат натижаларини аниқлаш**

12. Номзоднинг саволларга жавоби эшитилгандан сўнг комиссиянинг ҳар бир аъзоси номзодга ўзининг баҳосини қўяди. Қўйилган барча баллар умумлаштирилиб, номзоднинг ўртача арифметик балли аниқланади.

13. Номзоднинг саволларга жавоблари қуйидаги 4 та мезон бўйича алоҳида баҳоланади:

1. Саволнинг мазмун ва моҳиятини очиб бериш.

2. Саволга жавобни мантиқан ва кетма-кетликда изчил ифодалаш.

3. Саволни ёритишда мустақил ва ижодий фикрлаш.

4. Жавобни ёритишда ишончли далиллар ёки норматив ҳужжатларга мурожаат қилиш.

14. Ҳар бир мезон 9 та баҳолаш даражасига эга:

— максимал;

— жуда юқори;

— юқори;

— ўртадан юқори;

— ўрта;

— ўртадан паст;

— паст;

— жуда паст;

— қониқарсиз.

Т/р	Баҳолаш мезонлари	Мезонларни баҳолаш даражаси (балларда)								
		Максимал	Жуда юқори	Юқори	Ўртадан юқори	Ўрта	Ўртадан паст	Паст	Жуда паст	Қониқарсиз
1.	Саволнинг мазмун ва моҳиятини очиб бериш.	20	18	16	14	12	10	6	2	0
2.	Саволга жавобни мантиқан ва кетма-кетликда изчил ифодалаш.	20	18	16	14	12	10	6	2	0
3.	Саволни ёритишда мустақил ва ижодий фикрлаш.	20	18	16	14	12	10	6	2	0
4.	Жавобни ёритишда ишончли далиллар ёки норматив ҳужжатларга мурожаат қилиш.	20	18	16	14	12	10	6	2	0

15. Номзоднинг якка тартибдаги якуний суҳбат натижалари бўйича мазкур Методиканинг иловасига мувофиқ шаклдаги қайднома расмийлаштирилади.

16. Гуруҳдаги барча номзодлар якка тартибдаги якуний суҳбатдан ўтказилгандан сўнг номзод унга тегишли қайдномани имзолайди. Мазкур қайднома комиссия аъзолари томонидан имзоланади ва унинг масъул котибига топширилади.

Якка тартибдаги якуний суҳбат  
ўтказиш методикасига  
ИЛОВА

### Якка тартибдаги якуний суҳбат натижалари бўйича ҚАЙДНОМА

Номзод \_\_\_\_\_  
(ф.и.о.)

Топшириш санаси: 20\_\_ йил \_\_\_\_ \_\_\_\_\_.

Натижалар:

1-саволга қўйилган балл	2-саволга қўйилган балл	3-саволга қўйилган балл	Ўртача балл

Номзод \_\_\_\_\_  
(имзо) (ф.и.о.)



**Қабул комиссияси раиси  
(ўринбосари)**

\_\_\_\_\_ (имзо)

\_\_\_\_\_ (унвони ва Ф.И.О.)

**Комиссия масъул котиби**

\_\_\_\_\_ (имзо)

\_\_\_\_\_ (унвони ва Ф.И.О.)

**Комиссия аъзолари:**

\_\_\_\_\_ (имзо)

\_\_\_\_\_ (унвони ва Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_ (имзо)

\_\_\_\_\_ (унвони ва Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_ (имзо)

\_\_\_\_\_ (унвони ва Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_ (имзо)

\_\_\_\_\_ (унвони ва Ф.И.О.)

Ўзбекистон Республикаси  
Ички ишлар вазирлиги Академияси Касбий  
тайёргарлик факультетига қабул қилиш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
8-ИЛОВА

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**  
Ўзбекистон Республикаси  
Ички ишлар вазири ўринбосари —  
Кадрлар бош бошқармаси бошлиғи,  
Қабул комиссияси раиси

---

(унвони, Ф.И.О. ва имзоси)

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги  
Академияси касбий тайёргарлик факультети**

**Қабул комиссияси йиғилишининг  
БАЁННОМАСИ \_\_\_\_\_-сон**

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

---

(йиғилиш ўтказилган хууд номи)

**Раислик қилувчи:**

---

(қабул комиссияси раисининг унвони ва Ф.И.О.)

**Қатнашганлар:**

---

(қабул комиссияси аъзолари)

---

(қабул комиссияси аъзолари)

**КУН ТАРТИБИ:**

(номзодларни ўқишга қабул қилиш масаласини кўриб чиқиш тўғрисида)

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси касбий тайёргарлик факультети қабул комиссияси ички ишлар органларида хизматга касбий-психологик лаёқатни баҳолаш ва яқка тартибдаги якуний суҳбат натижаларини кўриб чиқиб, **қарор қилади:**

\_\_\_\_\_ мутахассислиги бўйича танлов натижалари:

Т/р	Номзоднинг Ф.И.О.	Ички ишлар органларида хизматга касбий- психологик лаёқатни баҳолаш бўйича тўплаган балли	Якка тартибдаги яқуний суҳбатда тўплаган балли	Имтиёз балли	Умумий балл	Ўқишга қабул қилинганлиги ёки қабул қилинмаганлиги хақида ёзув
1.						
2.						
3.						

**Қабул комиссияси**

масъул котиби:

\_\_\_\_\_ (унвони, Ф.И.О.)

**Қабул комиссияси**

аъзолари

\_\_\_\_\_ (унвони, Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_ (унвони, Ф.И.О.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**1106 Спорт ҳакамлари ва уларнинг малака тоифаларини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 27 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2942*

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 мартдаги 148-сон «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Спорт ҳакамлари ва уларнинг малака тоифаларини бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис**

**Р. КУРБАНОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 2 октябрь  
10-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Жисмоний тарбия ва спорт давлат  
қўмитасининг 2017 йил 2 октябрдаги  
10-мх-сон қарорига  
ИЛОВА

**Спорт ҳакамлари ва уларнинг малака тоифаларини бериш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 мартдаги 148-сон «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 27 октябрда эълон қилинган.

ҳақида»ги қарорига мувофиқ спорт ҳакамларининг вазифаларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, спорт ҳакамларининг малака тоифаларини бериш тартибини ҳамда малака тоифаларини бериш учун бажарилиши зарур бўлган талабларни белгилайди.

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**ваколатли органлар** — Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари ҳамда Ўзбекистон Мудофаасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгаши ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари;

**спорт ҳаками** — спорт тури қоидаларига ҳамда спорт мусобақаси тўғрисидаги низомга (регламентга) риоя этилишини таъминлаш учун жисмоний тарбия ёки спорт тадбири ташкилотчиси томонидан ваколат берилган, махсус тайёргарликдан ўтган ва тегишли малака тоифасини олган жисмоний шахс.

2. Спорт ҳакамларига қонун ҳужжатларига асосан илгари берилган малака тоифалари Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ:

«Халқаро тоифали спорт бўйича ҳакам» малака тоифаси — «Халқаро тоифали спорт ҳаками» малака тоифасига;

«Миллий тоифали спорт бўйича ҳакам» малака тоифаси — «Миллий тоифали спорт ҳаками» малака тоифасига;

«Олий тоифали спорт бўйича ҳакам» малака тоифаси — «Биринчи тоифали спорт ҳаками» малака тоифасига;

«I тоифали спорт бўйича ҳакам» малака тоифаси — «Иккинчи тоифали спорт ҳаками» малака тоифасига;

«Спорт бўйича ҳакам» малака тоифаси — «Учинчи тоифали спорт ҳаками» малака тоифасига тенглаштирилади.

### **2-боб. Спорт ҳакамининг вазифалари ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

3. Қуйидагилар спорт ҳакамининг вазифалари ҳисобланади:

спорт мусобақаларини халқаро спорт ташкилотлари томонидан тасдиқланган қоидаларга, спорт тури қоидаларига ҳамда спорт мусобақаси тўғрисидаги низомга (регламентга) мувофиқ лозим даражада ҳакамлик қилиш ҳамда уларга риоя этилишини таъминлаш;

спорт тури бўйича спорт ҳаками касбига ёш мутахассисларни жалб қилиш ва уларнинг бу борадаги малакасини оширишда қатнашиш.

4. Қуйидагилар спорт ҳакамининг ҳуқуқлари ҳисобланади:

спорт мусобақаларида ҳакамлик қилиш;

спорт ҳаками малака тоифасига эга бўлиш;  
спорт ҳаками малака тоифасини ошириб бориш;  
ўзига нисбатан бўлган эътирозларнинг кўриб чиқилишида шахсан иштирок этиш;

спорт мусобақасида ҳакамлик қилишда спорт мусобақаси ташкилотчисидан тегишли шарт-шароитлар яратилишини талаб қилиш.

Спорт ҳаками қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

5. Қуйидагилар спорт ҳакамининг мажбуриятлари ҳисобланади:

тегишли спорт тури бўйича халқаро спорт ташкилотлари томонидан тасдиқланган қоидалар, спорт тури қоидалари ҳамда спорт мусобақаси тўғрисидаги низомларни (регламентларни) билиш ва уларнинг талабларига қатъий риоя этиш;

спорт мусобақаларини юқори даражада ўтказишга кўмаклашиш ва спорт мусобақасини ўтказиш даврида юзага келган масалаларга ҳолисона ёндашиш ҳамда уларга ўз вақтида баҳо бериш ва ечимини топиш;

юқори маданиятни ва ҳамжихатликни намуна қилиб кўрсатиш, шунингдек кўполлик, тартибсизлик, иштирокчилар (спортчилар, тренерлар, вакиллар, томошабинлар) томонидан спорт турлари қоидалари ва умумэтироф этилган ахлоқ этикаси қоидалари бузилишининг олдини олиш.

Спорт ҳакамига қонун ҳужжатларида бошқа мажбуриятлар ҳам белгиланиши мумкин.

6. Спорт мусобақаларида фаол иштирок этганлиги ва ҳолисона ҳакамлик қилганлиги учун спорт ҳакамлари:

спорт мусобақалари ташкилотчиси томонидан сертификатлар, дипломлар ва эсдалик совғалари билан тақдирланиши;

ваколатли орган томонидан йилнинг энг яхши спорт ҳаками сифатида тан олинishi;

фаолият юритаётган ташкилоти томонидан спорт ҳаками малака тоифасини (навбатдаги спорт ҳаками малака тоифасини) олишга тавсия этилиши мумкин.

### **3-боб. Спорт ҳакамларига малака тоифасини бериш**

7. Спорт ҳакамига спорт турлари реестрига киритилган спорт турлари бўйича қуйидаги малака тоифалари берилади:

«Халқаро тоифали спорт ҳаками»;

«Миллий тоифали спорт ҳаками»;

«Биринчи тоифали спорт ҳаками»;

«Иккинчи тоифали спорт ҳаками»;

«Учинчи тоифали спорт ҳаками»;

«Спорт бўйича ҳакам».

8. «Халқаро тоифали спорт ҳаками» малака тоифаси спорт тури бўйича тегишли халқаро спорт ташкилоти томонидан берилади.

9. «Миллий тоифали спорт ҳаками»ни олиш учун белгиланган муддат

ва талаблардан олдин «Халқаро тоифали спорт ҳаками» малака тоифасини қўлга киритган спорт ҳакамининг тоифаси «Миллий тоифали спорт ҳаками» тоифасидаги ҳакам ҳисобланади.

10. «Миллий тоифали спорт ҳаками» малака тоифаси Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси томонидан берилади.

11. Спортнинг техник ва амалий турлари бўйича «Миллий тоифали спорт ҳаками» малака тоифаси Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгаши томонидан берилади.

12. «Биринчи тоифали спорт ҳаками», «Иккинчи тоифали спорт ҳаками», «Учинчи тоифали спорт ҳаками» ва «Спорт бўйича ҳакам» малака тоифалари Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари томонидан берилади.

13. Спортнинг техник ва амалий турлари бўйича ва «Биринчи тоифали спорт ҳаками», «Иккинчи тоифали спорт ҳаками», «Учинчи тоифали спорт ҳаками» ва «Спорт бўйича ҳакам» малака тоифалари Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари томонидан берилади.

14. Малака тоифаси «Спорт бўйича ҳакам» малака тоифасидан бошлаб берилади.

15. «Спорт бўйича ҳакам» малака тоифасига эга бўлган шахсга навбатдаги малака тоифаси берилади. Бунда «Спорт бўйича ҳакам» малака тоифасига эга бўлмаган шахсга «Учинчи тоифали спорт ҳаками» малака тоифасини, «Учинчи тоифали спорт ҳаками» малака тоифасига эга бўлмаган шахсга «Иккинчи тоифали спорт ҳаками» малака тоифасини, «Иккинчи тоифали спорт ҳаками» малака тоифасига эга бўлмаган шахсга «Биринчи тоифали спорт ҳаками» малака тоифасини, «Биринчи тоифали спорт ҳаками» малака тоифасига эга бўлмаган шахсга «Миллий тоифали спорт ҳаками» малака тоифасини бериш тақиқланади.

16. «Спорт бўйича ҳакам» малака тоифаси махсус тайёргарликдан ўтган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўтказилган спорт мусобақаларида ҳакамлик қилган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига берилади.

17. «Учинчи тоифали спорт ҳаками» малака тоифаси «Спорт бўйича ҳакам» малака тоифасига эга бўлган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўтказилган спорт мусобақаларида ҳакамлик қилган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига берилади. Бунда «Спорт бўйича ҳакам» малака тоифаси берилганига камида 1 йил ўтган бўлиши лозим.

18. «Иккинчи тоифали спорт ҳаками» малака тоифаси «Учинчи тоифали спорт ҳаками» малака тоифасига эга бўлган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўтказилган спорт мусобақаларида ҳакамлик қилган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига берилади. Бунда «Учинчи тоифали спорт ҳаками» малака тоифаси берилганига камида 2 йил ўтган бўлиши лозим.

19. «Биринчи тоифали спорт ҳаками» малака тоифаси «Иккинчи тоифали спорт ҳаками» малака тоифасига эга бўлган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўтказилган спорт мусобақаларида, шу жумладан Ўзбекистон Рес-

публикаси чемпиони, кубоги мақомига эга бўлган спорт мусобақаларида, ҳакамлик қилган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига берилади. Бунда «Иккинчи тоифали спорт ҳаками» малака тоифаси берилганига камида 2 йил ўтган бўлиши лозим.

20. «Миллий тоифали спорт ҳаками» малака тоифаси «Биринчи тоифали спорт ҳаками» малака тоифасига эга бўлган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўтказилган спорт мусобақаларида, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси чемпиони кубогида ҳакамлик қилган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига берилади. Бунда «Биринчи тоифали спорт ҳаками» малака тоифаси берилганига камида 2 йил ўтган бўлиши лозим.

21. Тегишли малака тоифасини олиш учун спорт ҳаками томонидан бажарилиши зарур бўлган талаблар мазкур Низомнинг иловасида кўрсатилган.

22. Малака тоифасини (навбатдаги малака тоифасини) олиш истагини билдирган шахслар (бундан буён матнда талабгор деб юритилади) тегишли ваколатли органга фаолият юритаётган ташкилоти орқали мурожаат этишга ҳақли. Бунда талабгор фаолият юритаётган ташкилот томонидан ваколатли органга талабгорга малака тоифасини (навбатдаги малака тоифасини) бериш бўйича тақдимнома юборилади.

23. «Спорт бўйича ҳакам» малака тоифасини ҳамда навбатдаги малака тоифасини бериш бўйича тақдимномага қўйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

талабгорнинг фуқаролик паспорти нусхаси;

талабгорнинг 3 x 4 см ўлчамдаги рангли фотосурати оқ фонда (4 дона);

талабгорга тавсифнома (талабгор фаолият юритаётган ташкилот раҳбари томонидан имзоланади);

талабгор томонидан «Спорт бўйича ҳакам» малака тоифасини ҳамда навбатдаги малака тоифасини олиш учун бажарилиши лозим бўлган талаблар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар.

24. Малака тоифасини (навбатдаги малака тоифасини) бериш бўйича тақдимномалар ваколатли орган томонидан тузилган Малака тоифаларини бериш комиссияси (бундан буён матнда Комиссия деб юритилади) мажлисларида кўриб чиқилади ва натижаси бўйича талабгорга малака тоифасини (навбатдаги малака тоифасини) бериш ёки беришни рад этиш бўйича қарор қабул қилинади.

25. Комиссия тегишли ваколатли органнинг қарори билан бир йил муддатга тузилади. Комиссия камида етти нафар аъзодан иборат бўлади. Ваколатли органнинг раҳбари ёки унинг ўринбосари комиссия раиси ҳисобланади. Комиссия котиби этиб ваколатли органнинг масъул ходими тайинланади. Комиссия таркибига тегишли спорт тури бўйича спорт федерациялари (уюшмалари), жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фаолиятни амалга оширувчи таълим муассасалари, ихтисослаштирилган спорт-таълим муассасалари ҳамда спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантирувчи ташкилотларининг спорт соҳасидаги мутахассислари келишув асосида киритилади.



26. Комиссия мажлисида кўриб чиқиш учун тегишли ҳужжатларни тайёрлаш, комиссия мажлисини ташкиллаштириш ва мажлисда комиссия аъзоларининг ҳозир бўлишини таъминлаш комиссия котибига юклатилади.

27. Такдимномага илова қилинган ҳужжатларда камчилик аниқланган тақдирда, комиссия котиби талабгорни бу ҳақда хабардор қилиб, ишчи тартибда камчиликларни бартараф қилиш чораларини кўриши лозим.

28. Комиссиясининг мажлислари ҳар чоракда бир марта ўтказилади. Комиссиянинг навбатдан ташқари мажлислари зарурат бўлган тақдирда комиссия раиси томонидан чақирилади.

29. Комиссия мажлиси унда комиссия аъзоларининг камида учдан икки қисми, шу жумладан комиссия раиси қатнашган тақдирда ваколатли ҳисобланади. Комиссия қарорлари унинг аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овоз бериш очик усулда ўтказилади. Комиссиянинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Овозлар тенг бўлганда Комиссия раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

30. Комиссия қарори баённома билан расмийлаштирилади ва комиссия раиси ҳамда аъзолари томонидан имзоланади.

31. «Спорт бўйича ҳакам» малака тоифаси берилганда талабгорга тегишли малака тоифаси тўғрисида спорт ҳаками гувоҳномаси расмийлаштириб берилади.

32. Навбатдаги малака тоифаси берилганда талабгорга тегишли малака тоифаси тўғрисида спорт ҳаками гувоҳномаси берилади.

33. Ваколатли орган талабгорга спорт ҳаками гувоҳномасини комиссия қарори чиқарилган кундан бошлаб беш кун ичида расмийлаштириб бериши шарт.

34. Комиссия қарорида талабгорга малака тоифасини (навбатдаги малака тоифасини) бериш рад этилган тақдирда ваколатли орган бу ҳақда талабгорни комиссия қарори чиқарилган кундан бошлаб беш кун ичида ёзма равишда хабардор қилиши лозим.

#### **4-боб. Спорт ҳаками гувоҳномаси**

35. Спорт ҳаками гувоҳномаси спорт ҳакамининг тегишли малака тоифасига эга эканлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

36. Спорт ҳаками гувоҳномасида:

гувоҳномани берган ташкилот номи;

гувоҳноманинг серияси ва тартиб рақами;

спорт ҳакамининг фамилияси, исми, отасининг исми;

спорт ҳакамининг фотосурати;

спорт тури;

спорт ҳакамига берилган малака тоифаси;

малака тоифаси берилган сана кўрсатилади.

37. Спорт ҳаками гувоҳномаси ваколатли орган раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланган, имзо эса, ваколатли орган муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим.

**5-боб. Спорт ҳакамлигидан четлаштириш**

38. Спорт ҳаками ўз вазифаларини ва мажбуриятларини лозим даражада бажармаганда ёки умуман бажармаганда унинг ҳаракатлари тегишли спорт федерацияларининг (уюшмаларининг) спорт ҳакамлари ҳайъатларида кўриб чиқилади.

39. Спорт ҳакамининг ҳаракатлари спорт федерацияларининг (уюшмаларининг) спорт ҳакамлари ҳайъатларида тегишли спорт мусобақаси якунига етган кундан бошлаб ўн беш кун ичида кўриб чиқилишига йўл қўйилади.

40. Спорт ҳакамлари ҳайъатининг мажлиси тўғрисида спорт ҳакамига беш кун олдин тегишли спорт федерацияси (уюшмаси) томонидан ёзма равишда хабар қилинади.

41. Спорт ҳаками унинг фаолияти кўриб чиқиладиган спорт ҳакамлари ҳайъатининг мажлисида шахсан иштирок этишга, ўз мулоҳазалари ва эътирозларини билдиришга ҳақли.

42. Тегишли спорт федерацияси (уюшмаси) ҳакамлар ҳайъати спорт тури хусусиятидан келиб чиққан ҳолда спорт ҳакамини маълум бир муддатга спорт ҳакамлигидан четлаштириш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Спорт ҳакамига ҳакамлар ҳайъатининг қароридан кўчирма тақдим қилинади.

**6-боб. Спорт ҳакамларининг ҳисобини юритиш**

43. Ваколатли органлар Спорт ҳаками гувоҳномаларини ҳисобга олиш журналани юритишлари шарт.

44. Спорт ҳаками гувоҳномаларини ҳисобга олиш журналига қуйидаги маълумотлар киритилади:

спорт ҳакамига берилган гувоҳнома рақами ва санаси;

спорт ҳакамининг фамилияси, исми, отасининг исми;

спорт ҳакамининг яшаш жойи;

спорт ҳакамига расмийлаштирилган йиғмажилднинг тартиб рақами.

**7-боб. Якуний қоидалар**

45. Комиссия қароридан норози бўлган шахслар бўйсунув тартибида юқори турувчи ваколатли органга ёхуд бевосита судга шикоят қилишга ҳақли.

46. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

47. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгаши билан келишилган.

*Мудофаа вазири*

*А. АЗИЗОВ*

*2017 йил 2 октябрь*

Ички ишлар вазири

П. БОБОЖОНОВ

2017 йил 2 октябрь

Ўзбекистон Мудофаасига  
кўмаклашувчи «Ватанпарвар»  
ташкilotи Марказий  
Кенгаши раиси

Р. НИЯЗОВ

2017 йил 2 октябрь

Спорт ҳакамлари ва уларнинг  
малака тоифаларини бериш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
ИЛОВА

**Спорт ҳаками малака тоифасини олиш учун  
бajarилиши лозим бўлган  
ТАЛАБЛАР**

Т/р	Мусобақа турлари*	Спорт ҳаками	Учинчи тоифали спорт ҳаками	Иккинчи тоифали спорт ҳаками	Биринчи тоифали спорт ҳаками	Миллий тоифали спорт ҳаками
1.	Малакавий мусобақалар	2	2	-	-	-
2.	Туман (шаҳар) биринчиликлари	-	4	5	5	-
3.	Вилоят, шаҳар, туман чемпионатлари	-	3	4	5	-
4.	Республика миқёсидаги мусобақалар	-	-	-	5	8
5.	Назорат ҳакамлиги (спорт хусусиятига қараб)	-	-	-	2	2
6.	Ҳакамларни тайёрлаш бўйича семинарларни ўтказиш	-	-	-	1	2
7.	Ҳакамлар курслари, семинарлари, конференциялари, конгресслари ва имтиҳонларда иштирок этиш	-	1	1	2	2

\* Ваколатли органларнинг спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасида акс этган мусобақалар, бундан малакавий мусобақалар мустасно.

«Биринчи тоифали спорт ҳаками» малака тоифасини олиш учун камида

икки маротаба мусобақа бош ҳаками ёки икки маротаба бош котиб бўлиш лозим.

«Миллий тоифали спорт ҳаками» малака тоифасини олиш учун камида тўрт маротаба мусобақа бош ҳаками ёки тўрт маротаба бош котиб бўлиш лозим.

Спортнинг айрим турлари бўйича мазкур жадвалда белгиланган талабларини бажариш имконияти бўлмаганда, тегишли спорт федерациялари (уюшмалари) билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ёки Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгаши томонидан тасдиқланадиган алоҳида талаблар қўлланилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**1107** «Спорт ҳакамлари ва спорт ҳакамларининг малака тоифаларини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил  
27 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2761-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 мартдаги 148-сон «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг 2016 йил 6 январдаги 27-сон «Спорт ҳакамлари ва спорт ҳакамларининг малака тоифаларини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2761, 2016 йил 5 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 5-сон, 51-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмала-

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 27 октябрда эълон қилинган.

ри Федерацияси ҳамда Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгаши билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис**

**Р. КУРБАНОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 2 октябрь,  
9-мҳ-сон

*Келишилган:*

*Халқ таълими вазири*

**У. ИНОЯТОВ**

*2017 йил 2 октябрь*

*Мудофаа вазири*

**А. АЗИЗОВ**

*2017 йил 2 октябрь*

*Ички ишлар вазири*

**П. БОБОЖОНОВ**

*2017 йил 2 октябрь*

*Ўзбекистон Касаба уюшмалари  
Федерацияси раиси*

**Қ. РАФИКОВ**

*2017 йил 2 октябрь*

*Ўзбекистон Мудофаасига  
кўмаклашувчи «Ватанпарвар»  
ташкилоти Марказий  
Кенгаши раиси*

**Р. НИЯЗОВ**

*2017 йил 2 октябрь*

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва**  
**идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини**  
**давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2017 йил 21 октябрдан 27 октябргача**  
**бўлган маълумотни маълум қилади**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2017 йил 5 сентябрдаги 11-2017-сон «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини масофадан ўқитиш таълим усуллари орқали қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

**2017 йил 23 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2936.**

2. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2017 йил 5 сентябрдаги 12-2017-сон «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тингловчиларининг битирув (лойиха) ишини тайёрлаш ва химояга тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

**2017 йил 23 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2937.**

3. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2017 йил 5 сентябрдаги 13-2017-сон «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида педагогик (малакавий) амалиётни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

**2017 йил 23 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2938.**

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 23 сентябрдаги 26/2-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида касса амалларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2017 йил 23 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1602-2.**

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 23 сентябрдаги 26/7-сон «Тижорат банклари капиталининг монандлигига

қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2017 йил 23 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2693-2.**

6. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг 2017 йил 9 октябрдаги 11-мх-сон «Спорт федерациялари (уюшмалари) реестрини юритиш ва ундан маълумотлар тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

**2017 йил 23 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2939.**

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2017 йил 9 октябрдаги 01-02/12-39-сон «Божхона иши соҳасида қўлланиладиган айрим ҳужжатлар ва ҳисоботлар шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорнинг 13-иловасини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.

**2017 йил 24 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2778-2.**

8. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 19 сентябрдаги 135-сон «Солиқ маслаҳати миллий стандарти (5-сонли СММС) «Солиқ маслаҳатчилари ишининг сифатини ички назорат қилишни ташкил этишга қўйиладиган талаблар»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

**2017 йил 24 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2940.**

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 23 сентябрдаги 26/9-сон «Марказий банк томонидан банк қонунчилиги ва банк фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни бузганликлари учун тижорат банкларига нисбатан қўлланиладиган чора ва санкциялар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2017 йил 24 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 622-7.**

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 7 октябрдаги 27/5-сон «Кўп валютали бухгалтерия ҳисоби тизимида Ўзбекистон Республикаси банклари балансининг актив ва пассив ҳисобварақалари валюта қолдиқларини қайта баҳолаш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

**2017 йил 26 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 535-1.**

11. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2017 йил 23 сентябрдаги 207-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг касбий тайёргарлик факультетига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

**2017 йил 27 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2941.**

12. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг 2017 йил 2 октябрдаги 10-мх-сон «Спорт ҳакамлари ва уларнинг малака тоифаларини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

*2017 йил 27 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2942.*

13. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг 2017 йил 2 октябрдаги 9-мх-сон «Спорт ҳакамлари ва спорт ҳакамларининг малака тоифаларини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.

*2017 йил 27 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2761-1.*

## II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг «Спорт ҳакамлари ва спорт ҳакамларининг малака тоифаларини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2761, 2016 йил 5 февраль).

*Адлия вазирининг 2017 йил 27 октябрдаги 353-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**